

ХДР

1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№6, 2023-yil
15-fevral,
chorshanba (32.752)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК КУН ТАРТИБИНИ ИЛГАРИ СУРИШДА БМТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий маркази раҳбари лавозимидаги миссиясини яқунлаётган Наталья Германни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда конструктив мулоқот ва қўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалаларида БМТнинг Минтақавий маркази ва бошқа тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилинаётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Кейинги бир неча йилда мамлакатимиз ташаббуси билан ва бутун халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда Бош ассамблеянинг минтақадаги шерикликнинг энг долзарб йўналишлари юзасидан тўртта резолюцияси қабул қилинди.

Марказнинг бевосита иштирокида Ўзбекистонда бир қатор йирик халқаро форум ва учрашувлар биргаликда ташкил этилди. Бундан ташқари, Марказий Осиё етакчи аёлларининг мулоқоти ва Ёшлар учун превентив дипломатия академияси платформалари ишга туширилди.

Наталья Герман Ўзбекистон Президентига минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш, амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилган муҳим ташаббуслари учун чуқур миннатдорлик билдирди.

БМТнинг юқори даражали вакили ўзининг янги – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг Терроризмга қарши курашиш қўмитаси Ижроия тузилмаси раҳбари лавозимида Ўзбекистон билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги яқин ҳамкорлик бундан буён ҳам давом этишига кўмаклашишни таъкидлади.

ЎЗА.

*Уйғонувчи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Ёногингдан ранг олган дедим –*



*Долазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни созинмадингми?
Абдулла ОРИПОВ*

ЎЗХДП ДЕПУТАТЛАРИ ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШГА КИРИШДИ

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2022/2023 ўқув йили бошида Ўзбекистонда фаолият юритаётган 191 та олий таълим ташкилотларида тахсил олаётган талабалар сони бир миллиондан ошган. Шундан 544,8 минг нафар талаба йигитлар ва 495,6 минг нафар талаба қизлардир. Таққослаш учун, республикамиздаги университетларда талабалар сони 2017/2018 ўқув йилида бор-йўғи 140,2 минг нафар бўлган. 2021/2022 ўқув йилида ОТМ сони 78 тани ташкил этиб, 461 минг нафар талаба ўқиган.

Рақамлардаги ўсишлар жуда катта. Албатта, бу осон бўлгани йўқ. Шу билан бирга, охириги пайтларда талаба билан ёнма-ён юрадиган унинг турар жой муаммоси долзарб бўлди.

Талабалар сонининг ўсиши ҳолатида турар жой танқислигини босқичма-босқич бартараф этиш ҳам айна дамда заруратга айланган. Шу сабабли Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари ҳудудларда талабаларни турар жой билан таъминлаш ҳолати, бу борадаги тизимли муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича олдинда турган асосий вазифаларни ҳал қилиш юзасидан ишчи гуруҳлар тузиб, манзилли ўрганишга киришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таҳлил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ишчи гуруҳ ўрганидиган масалалар аниқ режалаштирилган.

2022-2025 йилларда жами 91 минг 200 ўринли 228 та ТТЖ қуриш режалаштирилган бўлиб, 2022 йилда 18 минг 800 ўринли 47 та ТТЖ қуриш кўзда тутилган эди. Мазкур режалар ижроси ва 2023 йилда барпо этилиши кутилаётган 67 та ТТЖда ишлар қандай олиб борилаётгани бевосита жойларга чиқиб ўрганилади.

Маълумот учун, бугунги кунда республикада бўлган 228 та талабалар турар жойида 58 минг нафар талаба яшайпти ва бу мавжуд эҳтиёжнинг маълум бир қисмини қоплайди, холос. Ётоқхонага қўшимча эҳтиёжи бор талабалар сони 149 минг 400 нафарни ташкил этмоқда.

Ўрганиш давомида қатор муҳим саволларга жавоб топиш кўзланган.

Хусусан, талабаларни турар жойларга жойлаштириш тизими тўлиқ рақамлаштирилганми? Қанча талабага имтиёзли равишда ётоқхоналар берилган?

Маълумот учун, дастлаб турар жойлар курсидан қатъи назар, чин етим талабаларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, ногиронлиги мавжуд

талаба ўқувчилар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, моддий аҳволи оғир талабаларга берилиши керак. Шунингдек, битта оилада 2 та ёки ундан ортиқ шахс тўлов шартномаси асосида ёки хориждан келиб ўқиётган, 1-2 курс талабалари, талаба ўқувчи ёки талаба қизлар, ёшлар иттифоқи фаоллари, халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари ғолиблари, талабалар кенгаши раислари, сардорлар, фаоллик кўрсатган талабаларга кўрсатилган мезонлар бўйича талабалар турар жойига қабул қилиниши лозим.

Президентнинг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўра, ижарада яшайдиган давлат олий таълим муассасаларининг талабаларига давлат бюджети ҳисобидан ёрдам берилиши белгиланган. Ўрганишда бу масала ҳам алоҳида эътиборда бўлади.

Талабаларни турар жой билан таъминлаш масалаларини атрофлича ўрганиш бўйича тузилган саволнома асосида барча ҳудудлардаги олий таълим муассасалари депутатлик ва жамоатчилик назорати доирасида босқичма-босқич кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ахборот хизмати.

КАМБАҒАЛЛИК ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ БИЛАН ҚИСҚАРАДИ

2 САҲИФА



7 САҲИФА

ЭНЕРГИЯ НАРХИ ЭРКИНЛАШТИРИЛАДИМИ?



✓ RAQAM

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизнинг доимий аҳолиси **36 024 946** кишини ташкил этган.



2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиз туманлари орасида доимий аҳолиси сони энг кам бўлган ҳудуд Томди тумани бўлиб, унинг аҳолиси **15,8** минг киши. Энг кўп бўлган ҳудуд Ургут тумани бўлиб, аҳолиси 545,7 минг кишини ташкил қилади.



2022 йилда Ўзбекистонда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан қарийб **3 млн.** тонна мева етиштирилган.

MUNOSABAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

КАМБАГАЛЛИК

ЖАСОРАТЛИ МЕХНАТ БИЛАН ҚИСҚАРАДИ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракцияси
раҳбари:

— Халқимиз ҳеч қачон меҳнатдан қочмаган. Ота-боболаримиз ҳалол меҳнат билан ҳаёт қурган, бахт яратган.

Ўз ишини йўлга қўйиш, ўз иши, деган тушунчалар турмушимизга фаол кириб келганига кўп бўлмади. Ўйлаб кўрайлик, бу нима дегани? Ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади. Ҳаёти давомида аксарият одамлар тиним билмайди, орзуларим, болам-чақам, келажгим, деб елиб-югуради. У меҳнат билан эришган натижалар ўзиники, оиласи, яқинлариники бўлиши керак. Акс ҳолда, ҳаёт қонунияти бузилади. Ўз ишини йўлга қўйиш ўзиникига эга бўлиш, эркинликни ҳис қилиш, мулкдор, ҳақдор бўлишдир.

МЕХНАТ ВА ДАРОМАД

Кейинги йилларда фуқаролар меҳнатига яраша даромад кўриши, мулкка, қадр-қимматга эга бўлиши учун тарихда қоладиган ишлар қилинмоқда. Қийин, гўё чорасизлик чоғига тушиб қолган юртдошларимизнинг кўнглини кўтариш, турмушини ўзгартира олишига ишонтириш, ҳаёти изга тушиб кетгунича уларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб лойиҳалар, дастурлар амалга оширилмоқда. Давлатнинг барча ташкилот ва тузилмалари пастга тушиб, халқимиз турмушининг яқинида бўлиб, ичига кириб ишлашга ундаётгани замирида эзгу мақсад кўзланган.

Президент Шавкат Мирзиёев йил бошидан яхши ният билан бирма-бир вилоятларга бориб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, тадбиркорларга ёрдам бериш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, мутасаддиларнинг масъулиятини кучайтириш каби ўта муҳим масалаларда вазифаларни белгилаб бермоқда. Ҳар бир ҳудудда юртдошларимиз билан самимий мулоқот қилиб, иши, турмуши, оиласи, режалари ҳақида сўраб, масъулларга ўрнак бўлмоқда.

Бир тадбиркор, бир ёлғиз она, яна бир ёш қизнинг ютуқларидан давлат раҳбари қанчалик қувонаётганини кўриш инсонни тўлқинлантиради.

Тадбиркорнинг неча миллион долларлик айланма маблағи борлиги, яна биров боғ қилгани, биров болаларга хунар ўргатаётгани аввало рўзгорлар обод бўлаётгани, барқарор даромад манбалари яратилаётгани, минглаб



оилаларнинг турмуши изга тушаётгани, кўпроқ иш ўринлари очилиши кафолати мустаҳкамланаётгани қувонарли. Булар минглаб, миллионлаб халқимиз болаларининг яхши ўқиши, яхши тарбия кўришини ҳам аңлатади.

Камбағаллик оғир дардга ўхшайди, у ўз-ўзидан тузалмайди. Уни енгиш учун меҳнат қилиш, руҳлантириш, қўллаш, рағбатлантириш зарур. Акс ҳолда, камбағаллик кўпайиш, кенгайиш хусусиятига ҳам эга. Камбағал одамлар камбағал оилаларни юзага келтирса, камбағал оилалар соғлиғи, таълими, тарбияси муаммоли болаларни кўпайтиради.

Осон бўлмаган, қатъий қўйилган вазифалар нафақат шу кунларга, халқимиз келажига қаратилганини яхшироқ тушуниш учун мураккаб вазиятдан чиқиб кетаётган оиладаги муҳитни, қайфиятни яқиндан билиш етарли бўлади. **Йиллар мобайнида тайинли бир юмуш тутиб, рўзгориغا яхши егулик кирита олмаган отанинг ўз ишини йўлга қўяётгани, даромад кўраётгани, аёли, фарзандларидан ортиб, қўни-қўшниларга қўшилиб, маҳаллада кўрениш бераётганида қанча фикр, қанча ҳулоса, қанча ибрат ва шукроналик бор?!**

БЕФАРҚЛИКНИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЕНГАДИ

Президент сидқидилдан меҳнат қилиб, аτροφидигиларига ўрнак бўлаётган юртдошларимиз билан суҳбатларда "бефарқ бўлмаганингиз, қўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат", деб алоҳида миннатдорлик билдириши бошқача таъсир қилади, тўғриси.

Энг ёмон бефарқлик оиласининг турмуши, орзуларига нисбатан бефарқлик бўлса керак. Камбағалликни қисқартириш биринчилардан бўлиб бефарқликни камайтириш учун ҳаракат қилишдир. Бефарқлик деганда оилалардаги эмас, жойлардаги раҳбар-мутасаддилардаги бефарқликни енгиш чораларини кўриш ҳам тушунилади. Шунинг учун ҳам Президент

ташрифлари давомидаги мулоқотларда барча туман-шаҳарларнинг мутасаддилари студиялардан бўлса-да иштирок этиши жуда зарур масаладир.

Ҳар доим давлат раҳбари ҳудудларда учрашувлар ўтказганда депутатлар олди қаторларда қатнашиб, керакли ҳулосаларни олади. Жорий йилдан сиёсий партиялар вакиллари ҳам бу жараёнларда фаол иштирок эта бошлади. Жамият ривожланиши, ҳудудларда уйғоқ муҳит, тўғри мулоқот асосида фаолият бўлиши депутатлар, сиёсий партиялар фаолларига ҳам боғлиқ масаладир.

Биринчи масала кучли жамоатчилик назоратидир. Белгиланган вазифалар аниқ, уларнинг ижроси учун жавобгарлик, масъулият аввало элнинг олдида бўлиши керак. **Туман ҳокими, бошқа мутасаддилар туман аҳлига ҳисобдорлиги, элнинг назарида эканини билиб, сезиб турса, ҳар доим яхши натижалар йўлидан оқсмайди. Бундай ҳисобдорлик муҳитини депутатлар, сиёсий партиялар фаоллари юзага келтира олади.**

Халқ демократик партияси кейинги йилларда дастурий мақсадларига энг кўп эришадиган партиялардан бири, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Халқ билан мулоқот, маҳаллага тушиб ишлаш, инсон кадрини ошириш борасидаги кенг қамровли ислохотлар жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. **Партиямиз давлат идораларининг халқимиз олдидаги ҳисобдорлиги борасидаги сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаш билан бирга, жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш бўйича янги вазифаларни белгилаб олади.**

ПАРЛАМЕНТ МАСЪУЛИЯТИ

Парламент мамлакатдаги муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топишда, таъсирчан парламент, депутатлик ва фаол жамоатчилик назоратини мунтазам олиб боришда қатъий позиция кўрсатиши талаб этилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенат Кенгашининг қўшма қарори билан Ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан парламент назорати самарадорлигини ошириш бўйича йўл харитаси тасдиқланди.

Унга мувофиқ, 2023 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг тасдиқланиши ва амалга оширилиши ҳолати ўрганилади. Натижалар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинади.

Аниқланган муаммоларни ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотлар билан бирга жойида ҳал этиш чораларини кўриш белгиланган.

Йўл харитада бандлик, иш ўринлари яратиши масалаларида мутасадди вазирликларнинг ахборот ва ҳисоботларини парламент кўмиталари, ялпи мажлисларида тинглаш, муаммоли ҳолатларни ҳал этиш бўйича парламент назорати институтларидан самарали фойдаланиш назарда тутилган.

Кейинги муҳим йўналиш вилоятларда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиш натижаларини парламентда муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Депутатлар жойларга чиқиб аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ўрганиши, ишсизликни камайитириш бўйича белгиланган муддатларда бажарилмаётган лойиҳалар, аниқланган муаммолар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиши ва мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиши кўзланган.

Бандлик, янги иш ўринлари, барқарор даромад манбаи каби муҳим масалалар парламент кўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари кун тартибига ҳар доим олдинги ўринларда туриши зарур.

КАМБАГАЛЛИК ҚИСҚАРИШИ РАҚАМЛАРДА

2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш доирасида 2026 йил охиригача мамлакатда камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш режалаштирилган.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади иш ўринларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартиришдир. Бу борадаги манзилли ишлар натижасида ўтган йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушди. 1 миллион аҳоли касб-ҳунарга ўқитилиб, иш бошлашига кўмаклашилган.

Рақамларга кўра, 2022 йил январь-октябрь ойларига банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали **2,4 млн.** нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланган. Хусусан, **903 минг** нафари доимий иш жойларига жойлаштирилган.

Ишсизлик ва камбағалликдан азият чекаётган инсоннинг доимий иш ва даромад манбаига эга бўлишининг ўзи унинг ҳаётида янги саҳифа очилганини билдиради. Эътиборлиси, бу ердаги рақам кичкина эмас. Деярли бир миллион одамнинг ҳаёти яхши томонга ўзгарди, дегани.

2022 йил якунида Статистика агентлиги аҳолининг ойлик иш ҳақи ўсишини ҳудудлар кесимида тақсимлаб берди. Унга кўра, энг катта ўсиш Тошкент шаҳрида бўлган ва йиллик 28,2 фоизга ўсган ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи 6 млн. 314 минг сўмни ташкил қилган.

Республика миқёсида ойлик иш ҳақининг ўртача ўсиши 21 фоиздан кўпроқни ташкил қилиб, ўртача ойлик иш ҳақи 3 млн. 892 минг сўмни ташкил қилган. Дарҳақиқат, бу рақамлар камбағаллик қисқариб бораётганини ҳам аңлатади.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ

Республикамиз аҳолисининг 60 фоизга яқини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олсак, ёшларга қаратилган дастурлар том маънода келажакка қаратилган дастур, десак ҳам муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Наманганга ташрифи давомида Давлатобод туманида жойлашган "Янги Ўзбекистон ёшлар зиё маскани" кутубхонасидаги наманганлик ёшлар билан учрашувида ёш йигит-қизлар учун кўплаб дастурлар амалга оширилаётгани, ўтган йили ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун 140 миллиард сўм маблағ берилиб, 6 мингдан зиёд ёш ўз йўлини топганини таъкидлади.

Шунингдек, 2,5 минг гектар экин майдонларини ажратиш натижасида 20 минг ёшлар бандлиги таъминланган.

Бу рақамлар фақатгина Наманган вилояти мисолида. Қувонарлиси, бу дастур бутун республика миқёсида амалга оширилган ва бу йил ҳам давом эттирилиши режалаштирилган.

Рақамлар режаларга яраша катта. Бундай йиллик режалар ҳар бир ҳудуд учун ишлаб чиқилган. Камбағалликни қисқартириш учун тизим яратилди ва у аниқ режалар асосида ишламоқда. Бу тизимнинг ҳар бир ҳудудда самарали ишлаши халқимизнинг турмуши, рўзгори таъсир қилади. Кучли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жараёнда фаол иштирок этиш бурчимиз, деб биламиз.

YANGI O'QUV YILIDAN BOSHLAB BARCHA BOSHLAG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI BEPUL OVQAT BILAN TA'MINLASH TAKLIF ETILMOQDA

Har bir tuman (shahar)ning bittadan maktabida o'quvchilarni ikkita xorijiy til va bitta kasb-hunarga o'rgatish amaliyoti bosqichma-bosqich yo'lga qo'yiladi

2023/2024 o'quv yilidan boshlab respublikaning barcha viloyatlari va Toshkent shahrida boshlag'ich sinif o'quvchilariga bepul ovqat beriladi

YANGI O'QUV DASTURLARI DOIRASIDA:

1-4 sinf o'quvchilari ilg'or xorijiy tajriba asosida ishlab chiqilgan darsliklar bo'yicha o'qitiladi	5-9 sinf o'quvchilariga umumta'lim fanlaridan tayanch bilimlar beriladi	10-11 sinf o'quvchilari qiziqish va qobiliyatiga mos bo'lgan ixtisoslashgan dasturlar asosida o'qitiladi
--	---	--

Сенатор Бахтиёр Сайфуллаев



Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Таниқли маданият арбоби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев 2023 йил 14 февраль куни 72 ёшида вафот этди.

Б.Сайфуллаев 1951 йил 1 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни драма театри ва кино актёри мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Республика ёш томошабинлар театри актёри ҳамда режиссёри сифатида бошлади. Кейинчалик Тошкент маданият институти катта ўқитувчиси, факультет декани ўринбосари, факультет декани вазифаларида меҳнат қилди. Номзодлик ишини химоя қилгач, Тошкент давлат маданият институтида педагогик фаолиятини давом эттирди.

Ўз фаолияти мобайнида Б.Сайфуллаев республика миқёсида оммавий маданий тадбирларни ташкил этиш бўйича моҳир режиссёр сифатида танилди. 2005-2020 йилларда маданият вазирининг

биринчи ўринбосари, маданият вазири каби масъул лавозимларда самарали фаолият юритиб, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, соҳадаги кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, миллий маданият ва санъатимиз ривожини янги босқичга кўтаришда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди.

Профессор Б.Сайфуллаев 2012-2020 йилларда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори вазифаларида хизмат қилиб, мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди.

Б.Сайфуллаев 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси лавозимида ишлаб, мамлакатимизда маданият ва ёшлар сиёсатини амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, ушбу йўналишларга оид ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда ўзининг бой билим ва тажрибасини намоён этди.

Б.Сайфуллаевнинг ўзбек маданияти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони, "Меҳнат шўхрати" ордени ҳамда "Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби" унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли маданият арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон Б.Сайфуллаевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Т.Норбоева, Н.Исмоилов, А.Арипов, О.Назарбеков, М.Йўлчиева

МЕХР ВА САХОВАТ — АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ



Олим РАВШАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Меҳр қимматли инсоннинг фазилатидир. Меҳр инсонга хос барқарор туйғу бўлиб, шахснинг келажак авлодлар бахту саодати йўлидаги беғараз фаол хатти-ҳаракати ҳисобланади. Бу тушунча ижтимоий бирдамлик сифатида кишилик жамияти учун жуда зарурдир. Саховат тушунчасининг луғавий маъноси — қўли очқилик, олийҳимматлик ва саҳийлик маъноларини билдиради.

Ҳазрат Навоий таъкидлашича, қандай инъом бўлмасин, уни очик юз билан бериш, аччиқ баданни ширин сўз билан туттиш керак. Саховатлилик сидқидилдан қилинган яхшилик бўлиб, у беминнатлиқнинг нишонасидир. Охириги пайтлар юртимизда халқимизга хос маърифатпарварлик, бағрикенглик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларни кенг тарғиб қилишга, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга эътибор янада кучайди.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида "Инсон қадри, инсонни эъзозлаш эътиборимиздаги энг асосий масала", деб алоҳида таъкидлади. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида кейинги йилларда қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, амалиётга татбиқ этилган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Меҳр дафтари", "Ёшлар дафтари" тўғрисида бугун кўплаб кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларни ҳам моддий, ҳам маънавий муаммолари ижобий ечим топмоқда. Бу ишларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам ўрни алоҳида.

Ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчилари ҳамда тегишли ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда "Саховат ва кўмак" жамғармалари маблағлари берилишида адолат мезонларига амал қилиб, таклифлар киритишмоқда. Шунингдек, сессияларда тегишли маблағлар ажратилишини ёқлаб овоз беришмоқда. Бу ишларда Қашқадарё вилоятида сайланган 459 нафар депутат фаол иштирок этиб келяпти.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган "Саховат ва кўмак" жамғармалари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда кўмакка муҳтож фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Вилоят ҳокими ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига эркин қолдиқ маблағлари ҳамда вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан "Саховат ва кўмак" жамғармаларига тегишли маблағлар ажратилиб, сессия тасдиғига киритилмоқда. 2022

йилда 19422 нафар фуқарога 25823533,2 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, операция ва даволаш ҳамда дори-дармон воситалари учун 2954 нафар фуқарога 7896309,3 млн. сўм, уй-жойни таъмирлаш, қурилиш материаллари олиш учун 350 кишига 2026243 млн. сўм ажратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга оилавий шароитларини яхшилаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида шартнома тўловида кўмаклашиш, паррандачиликни йўлга қўйиш ҳамда бошқа қатор масалаларга қўллаб маблағлар йўналтирилди. Фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашда ногиронлиги бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ҳам алоҳида меҳр ва саховат кўрсатилмоқда. Вилоятдаги 3506 нафар ногиронлиги бўлган шахсга 5210677,6 млн. сўм маблағ ажратилди.

Бундай хайрли ва савоб ишлар Қашқадарё вилоятида бу йил ҳам давом эттирилади. Куни кеча вилоят ҳокими вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан, вилоят "Саховат ва кўмак" жамғармасига маблағ ажратиш билан боғлиқ харажатлар учун 50 миллиард ажратиш учун қарор қабул қилди. Бу мақсадли маблағлар эъзизга эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга турли кўри-нишдаги ёрдамлар берилади. Яқинда сессияда биз депутатлар бу қарорни тасдиқладик. Белги-ланган тартиб-қоидалар ҳамда адолат мезонларига қатъий риоя қилиб, уни мақсадли ишлатилиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб борамиз.

Бундай хайрли ва савоб ишлар вилоятда яшовчи кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган фуқароларнинг турмушини яхшилашга хизмат қилади.

ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ КЎРСАТИШИМИЗ ЗАРУР



Раҳимберган ЮСУПОВ, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Бандлик жуда кўп дастурлар ва лойиҳаларнинг сифатли бажарилиши билан чамбарчас боғлиқ масала. Партиямиздан вилоят Кенгашига сайланган 18 нафар, туманлар ва шаҳар Кенгашларига сайланган 92 нафар депутат ўз фаолиятида бунга жиддий эътибор қаратади.

Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларнинг кўпчилиги аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида бўлмоқда. Шу сабабли депутатлар бандлик, иш ўринлари яратиш бўйича дастурлар ижросини назорат қилишга, солиқ соҳасидаги янгиликлар, имтиёزلарни тушунтириб, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича ишламоқда.

Аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ташаббуси билан ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, уларнинг таркибида партиямиздан вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари ҳам иш олиб боришмоқда. Улар уйма-уй юриб, ҳар бир оила, хонадон эгалари билан мулоқот қиляпти, муаммоларни эшитишяпти. Электр, иссиқлик энергиясига эҳтиёж ошаётгани сабабли аҳоли ўртасида муқobil энергия манбалари, яъни қуёш панелларидан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида тарғибот ишлари ҳам олиб бориляпти.

Бандлик масаласида ҳар бир кишининг қизиқиши, лаёқатидан келиб чиқиб, тадбиркорлик қилиш, ўз ишини юритишга оид зарур маслаҳат ва тавсиялар

берилмоқда. Қишлоқ жойлардаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, томорқа ердан оқилона фойдаланиш, иссиқхона қуриш, товуқ ёки қорамол боқиш истагини билдирган фуқароларга имтиёзли кредит олишда, субсидиялар ажратишда амалий ёрдам берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни содда-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорининг мазмун-моҳияти айнан партиямиз электорати манфаатларига мос эканлиги билан аҳамиятлидир. Ишсизлик муаммосини ҳал қилишда ўзини ўзи банд қилган шахслар шўғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати кенгайиб, 67 тага етгани кўплаб аҳоли вакилларининг ўзларини қизиқтирган соҳа бўйича даромад манбаи яратишларига асос бўлмоқда.

Бу айниқса, уй бекалари, хотин-қизлар, ёшлар учун янада қўлай имконият бўлиб, жорий йил январь ойидаги рақамлар шунини кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматларда 33181 киши ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатидан ўтган. Маиший хизматлар соҳасида 14 301, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда 1814 кишининг бандлиги таъминланган.

Депутатларимиз халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг сессияларида аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича ўрганишлар асосидаги хулосалари, таклифларини бериб боришяпти. Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари фаолиятида ҳам фаол қатнашиб, айнан янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган фаолияти бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш, муаммолари масалаларни ҳал қилишда ташаббускор бўлмоқда.

Лекин ҳали партия ташкилотларимиз, депутатлар олдига вазифалар кўп. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби биз ҳам айрим ҳудудларда депутатлик гуруҳлари аъзолари жипслиги, қатъий позиция кўрсатишига эриша олмаёмиз. Тўғриси, бу борада меъёрий тартиб-таомилларни такомиллаштириш масалалари ҳам бор. Партиямиз аъзолари, депутатлар янада фаол бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари, масъуллар билан яқиндан алоқани мустаҳкамлаб, аҳоли бандлигини таъминлашда ҳамкорликни кучайтириши зарур.

ДАВЛАТ ДАСТУРИГА ТАКЛИФЛАРИМИЗ БОР



Зулфия ТУЙЕВА, Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Январь ойида оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда энг кўп ишлатилган сўзлар "аномал совуқ" бўлди. "Аномал совуқ" тизимнинг ҳолатини кўрсатди. Энергия ва иссиқлик таъминотида узилтишлар кузатилди, истеъмолчилар жабр кўрди. Электр энергиясининг қайта-қайта оқоҳлантирилмасдан ўчирилиши оқибатида маиший техникаларга зиён етди ёки яроқсиз ҳолатга тушди. Тадбиркорлик фаолияти бўйича келтирилган зарарлар ҳам кичкина эмас.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида энергетика соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар энергетика ва коммунал соҳада учраётган йиллар давомида тўпланиб муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Мурожаатномада таъкидлаганидек, биз "уй, ишхона, боғча, мактаб ва кўчаларда одамларимизга энергиянинг қадрига етиш, уни тежашини ўргатишимиз керак". Қонунларимизда ҳам бу масалаларни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ушбу масалалар куни кеча жамоатчилик муҳокамасига қўйилган "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Давлат дастури лойиҳасидан ўрин олган. Хусусан, 24-мақсадда "Иқтисодий эҳтиётли электр энергияси билан узлуксиз

таъминлаш ҳамда "Яшил иқтисодиёт" технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 10 фоизга қисқартириш бўйича 64-73 бандларда вазифалар белги-ланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 16 январь куни аҳоли энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида "Мен совуқдан қийналаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг ҳолатини чуқур ташвиш ва изтироб билан юрагимдан ўтказаяпман. Бунинг ҳар бир раҳбар ҳис қилиши керак. Энди бундай давом этиши мумкин эмас", деб таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, энди бундай давом этиши мумкин эмас. Энергетика, айниқса, коммунал соҳадаги қонунчилик қайта қўриб чиқилиб, такомиллаштирилиши лозим. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Давлат дастури лойиҳасига ўз таклифларини билдирмоқда. Коммунал хизматлар бўйича айрим таклифларимизни келтирмоқчимиз. Долзарб ижтимоий масалалар мутасадди вазирликлар жиддий эътибор қаратиши лозим.

Биринчидан, "Коммунал хизматлар ва тарифларни тартибга солиш асослари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш лозим.

Иккинчидан, коммунал хизматларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган йўқотишларини қоплаш мақсадида нарх-наво ва тарифлар асоссиз оширилиши ҳолатларига йўл қўймаслик учун маълумотлар очқиқлигини таъминлаш ҳамда коммунал хизматлар тарифлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш талаб этилади.

Учинчидан, коммунал хизматлар тақдим этиш бўйича муқobil автоном (локал) шакллари ривожлантириш ишларини жадаллаштириш зарур.

Тўртинчидан, марказлашган иситиш ва иссиқ сув таъминоти корхоналарининг табиий монополияси бўйича қонунчилик меъёрларини кўриб чиқиш муҳим саналади.

Бешинчидан, коммунал хизматлар етказиб берувчи ташкилотлар ҳисобидан замонавий электр энергия, табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси ва иссиқ сув ҳисоблаш асбоблари билан тўлиқ таъминлаш лозим. Ўлчов асбобларини етказиб берувчи ташкилотлар балансида ўтказиш ҳамда уларнинг зиммасига асбобларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва мунтазам текшириш вазифасини юклаш масаласини ҳал этиш керак.

NUQTAI NAZAR

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

КУЧЛИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЗАРУР



Улугбек ВАФАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари:

— Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ амалга оширилган ислохотлар, Тараққиёт стратегиясига мувофиқ босқичма-босқич эришилаётган мақсадлар давлат идораларининг фуқаролар, халқимиз олдидаги масъулиятини кучайтирди. Бир вақтлар аҳолидан, жамоатчилик фикридан узоқлашиб кетган вазирилик ва идоралар фаолиятидаги түб ўзгаришлар ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Президент қатъий белгилаб берган халқ билан мулоқот тамойилининг рўёбга чиқарилиши юртимиздаги нафақат ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга, демократик жараёнларни ҳам тубдан такомиллаштирди.

2022 йилги давлат дастурида, жорий йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасида ҳам халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудлардаги масалаларни ҳал қиладиган асосий бўғинга айлантириш, маҳаллаларда мулоқот институтини ривожлантириш муҳим вазифа сифатида қўйилди. Бу жуда эзгу мақсадга қаратилган тўғри ёндашув.

Халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари кенгайтирилиши маҳаллий ҳокимликлар, вазирилик-идораларнинг ҳудудий бўлинмаларининг тегишли ҳудуд аҳолиси олдида ҳисобдорлиги, масъулиятини кучайтиради. Бу қонунлар, Президент қарор ва фармонларнинг жойлардаги ижроси янада самарали бўлишида, одамларнинг ислохотларни тушуниши ва уларни тўлиқ рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиши учун жуда муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти билан боғлиқ айрим масалаларга ечим топиш, баъзи йўналишларда сиёсий партиялар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунки сиёсий партиялар, депутатлик бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши жамиятимиз ҳаётида ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик ошишига, ҳозирги кундаги кенг қамровли ислохотларнинг натижадорлиги бўйича самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади.

Кейинги йилларда халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий депутатлар фаолиятида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликлар рўй берди. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ барча энг муҳим масалалар ҳудудий Кенгашларда муҳокама қилинмоқда. Депутатлар қарорлар қабул қилинишида бевосита иштирок этмоқда.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга, сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликда айрим масалалар ҳам йўқ эмас.

БИРИНЧИ МАСАЛА. Маълумки, сиёсий партиянинг дастурий мақсадларини бевосита амалга оширишда энг муҳим тизим бу депутатлик бирлашмаларидир. Бироқ Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракцияларидан фарқли ўлароқ, халқ депутатлари Кенгашларидаги партиялар гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатлари тааллуқли процессуал механизмлар билан мустаҳкамланган.

Амалдаги қонунчиликда партия гуруҳларининг маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, ҳокимлар ва бошқа маҳаллий давлат органларининг мансбдор шахсларининг ҳисоботини тинглашда иштирок этиш тартиби ва шаклини тартибга солувчи процессуал нормалар кўзда тутилмаган.

Шунингдек, партиялар гуруҳлари ўз ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан киритган таклифларни доимий комиссия томонидан сессиялар ва мажлисларда кўриб чиқилиши шартлигини белгиловчи нормалар ҳам мавжуд эмас.

Партиялар гуруҳлари томонидан депутатлик назоратини олиб бориш бўйича қонунчилигимизда ҳуқуқ ва ваколатлар белгилаб берилмаган.

Партиялар бюджет параметрларини шакллантиришнинг фақат тасдиқланиш босқичида иштирок этадилар. Давлат бюджети ва давлатнинг мақсадли фондлар бўйича бюджетлари лойиҳаларини тузишда партияларнинг фикрини инобатга олиш механизмлари қонунчиликда инобатга олинмаган.

Ушбу масалани ҳал қилиш учун қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади. Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ва улардаги партиялар гуруҳлари томонидан депутатлик назоратини ўрнатиш тартибларини киритиш керак.

Шунингдек, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг регламенти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда партиялар гуруҳларига "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларнинг процессуал механизмларини аниқ белгилаб бериш лозим.

» **Сиёсий партиялар, депутатлар ислохотлар натижадорлиги, жамоатчилик назоратини кучайтириш жараёнларида фаол иштирок этиши, ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш бўйича таклиф ва ташаббускор бўлиши зарур.**

ИККИНЧИ МАСАЛА. Аксарият депутатлар ўз партиявий мансублигини ҳис этишмайди. Мазкур ҳолат сиёсий партияларнинг ўз депутатлари билан ишлашида, уларга таъсир ўтказишида ва дастурий мақсадларини амалга оширишида маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Амалдаги қонунчиликка асосан депутатлар фаолиятига сиёсий партиянинг таъсир этиши бўйича самарали механизмлар даярли мавжуд эмас. Тўғри, қонунчиликда "депутатнинг уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганлиги" асосида депутатни сиёсий партия томонидан қақриб олиш имконияти берилган. Лекин бу жараён мураккаб бўлиб, ушбу масала бир неча босқичда амалга оширилади. Мазкур масала олдин тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг (халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат Кенгаши) одоб комиссиясида кўрилади, сўнгра умумий мажлисда кўрилади. Шундан сўнг сайлов ташкил этилиб, депутат сайланган округ сайловчиларининг яширин овоз бериши йўли билан амалга оширилади.

Сиёсий партия олдидаги мажбуриятларини бажармаган депутатларни қақриб олиш бўйича қонунчиликдаги процессуал механизмларни такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд.

Шунингдек, сиёсий партиянинг депутатлар билан кундалик олиб бориладиган иш жараёнидаги муносабатлари етарли даражада тартибга солинмаган. Депутатлик бирлашмалари аъзоларининг партия интизомига риоя қилиш нуқтаи назардан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи норматив ҳужжат мавжуд эмас. Ушбу ҳолат депутатларни ягона мақсад сари бирлаштириб, сиёсий партияларнинг манфаатларини парламент ва маҳаллий Кенгашларда самарали ифода этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Депутатларнинг сиёсий партия олдидаги масъулиятини ва партиявий интизомни кучайтириш мақсадида ҳар бир сиёсий партияни парламентдаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг низомини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу низомда фракция ва депутатлик гуруҳи аъзоларининг партия интизомига риоя қилиш нуқтаи назардан

ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилиши керак. Мазкур низом сиёсий партиянинг Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланиши керак бўлади.

Депутатлик бирлашмаларининг низоми қабул қилиниши орқали депутатларнинг партия вакили сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди, уларнинг фаолиятида бирдамлик таъминланади. Депутатлар сайловчилар олдида, сиёсий партия олдида ўз мажбуриятларини янада аниқ ҳис қилишди.

УЧИНЧИ МАСАЛА. Жойлардаги қузатувлар бугунги кунда сиёсий партияларнинг моддий-техник базаси қониқарсиз ҳолда экани ва ушбу ҳолатни яхшилаш учун муайян маблағлар талаб этилишини кўрсатмоқда. Партияда молиявий маблағлар етишмаслиги сабабли жуда зарур бўлган штат бирикларини жорий қилиш ҳамда малакали кадрларни партия ишига жалб қилишда қийинчиликларни вужудга келмоқда.

Давлат бюджетидан сиёсий партияларга маблағлар ажратиш "Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида"ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида Низом"га асосан амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур қонун 7-моддасининг иккинчи қисмида "Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжаллаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатида киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси микдорида шакллантирилади", деб кўрсатилган. Яъни, сиёсий партияларни молиялаштириш учун бир йил олдинги энг кам иш ҳақи асос қилиб олинмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида, партияларнинг асосий харажатлари ва партияларга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ўртасида номутаносибликни келтириб чиқармоқда.

Сиёсий партияларга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар микдорини партияларнинг харажатлари кўзда тутилган йилга мутаносиблигини таъминлаш ҳамда ажратилаётган маблағлар микдорини сезиларли даражада ошириш мақсадида "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига сиёсий партияларни молиялаштириш учун жорий йилдаги энг кам иш ҳақини асос қилиб олиш бўйича тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ТЎРТИНЧИ МАСАЛА. Сиёсий партия самарали фаолият юритиши малакали, юқори сиёсий билимга ва ташкилотчилик қобилиятига эга кадрларга ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда сиёсий партия ходимларининг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш тизими мавжуд эмас. Малака ошириш ишлари ҳар бир сиёсий партиянинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда, ходимларни қайта ўқитиш имконияти йўқ.

Таъкидлаш лозимки, ривожланган демократик давлатларда профессионал сиёсатчиларни ўқитиш тизими мавжуд. Даярли барча олийгоҳларда Ёш сиёсатчилар клуби, Нотиклар клуби, мунозара клублари ва сиёсий-ҳуқуқий фаолликка ўндовчи бошқа бирлашмалар фаолият юритади.

Мамлакатимизда сиёсий партия ходимларини қайта ўқитиш тизими мавжуд эмаслиги мутахассислиги сиёсатчи бўлмаган, қизиқувчи бошқа соҳа вакилларини партияда муқим ишлаб кетишида қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шунинг учун сиёсий партия ходимларининг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш тизимини жорий қилиш муҳим. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошида ва минтақавий таълим тизимларида доимий фаолият юритувчи партия ходимлари ва фаолларини тайёрлаш курслари ташкиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, сиёсий партиялар аппаратида фаолият юритаётган ходимларни сиёсатшунослик, давлат ва жамият қурилиши, партология бўйича сиртки (масофали) иккинчи олий маълумотни олиш имкониятларини кўриб чиқиш ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш зарурки, сиёсий партиялар, депутатлар ислохотлар натижадорлиги, жамоатчилик назоратини кучайтириш жараёнларида фаол иштирок этиши, ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш бўйича таклиф ва ташаббускор бўлиши зарур.



МУЛОҚОТ ВА ҲАҚИҚАТ

Халқ ва давлат бир мақсад йўлида бирлашса, жуда катта қудратга эга бўлади. Ҳуқумат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро ишончни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳам мунтазам равишда мулоқот керак.

Ҳафта бошида Ўзбекистон энергетика вазири Жўрабек Мирзамахмудов ва "Ўзбекнефтгаз" раиси Меҳриддин Абдуллаевнинг жамоат фаоллари, ОАВ вакиллари билан суҳбати ҳақида хабарлар тарқалди.

Бу мулоқотга сабаб ўтган ҳафта, 10 февраль кунини ижтимоий тармоқларда жуда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлган "Ўзодлик суриштируви", деб номланган видео бўлди. Видеонинг қисқача мазмуни Ўзбекистон газини Россия назоратида топширган, деган маънода эди. Буни эшитган кўпчиликнинг ҳавсаласи пир бўлди, бу кайфиятни яқинларига ҳам юқтирди. Бундай мазмундаги видеолар ижтимоий кайфиятга ёмон таъсир қилади.

Мавҳумликни, шубҳаларни тарқатиш зарур эди. Расмийлар вазиятга тўғри баҳо берди. Жамоатчилик билан мулоқотга киришди. Тўғри, мулоқот тор доирада бўлган.

Учрашувда энергетика вазири Жўрабек Мирзамахмудов Ўзбекистон барча нефть ва газ конларига тегишли эксклюзив ҳуқуқ Россияга берилгани ҳақидаги маълумотни рад этди.

"Бу – умуман асоссиз, ёлгон, нотўғри талқин қилинган маълумот. Эксплуатациядаги конларнинг асосий қисми "Ўзбекнефтгаз" компаниясида", деган вазири. Унинг сўзларига кўра, 35 йиллик эксклюзив ҳуқуқ фақатгина Сурхондарёнинг Бойсун туманидаги "Мустақилликнинг 25 йиллиги" номли газ-конденсат конини ўзлаштириш ва ундан маҳсулот қазиб чиқаришгагина тааллуқлидир.

"Ўзбекистонда ҳозирги кунда 250 дан ортиқ нефть ва газ конлари бўлса, бу – шу конлардан биттаси. Ҳозирги кунда инвесторлар томонидан тўлиқ ўзларининг ҳисобидан – бюджетдан харажат ёки давлат кафолати йўқ – юз фоиз инвесторлар ҳисобидан амалий ишлар олиб борилапти", – деган Мирзамахмудов.

Вазирнинг айтишича, кондан олинган фойдани инвестор ва давлат ўзаро 50/50 нисбатда тақсимлашга келишган. Битим кучга кирганидан бошлаб 35 йил давомида амал қилади.

"Нимага 35 йил, деган савол туғилиши мумкин. Биздаги маҳсулотни тақсимлаш битимларидан 5 тасининг мuddати 25 йилдан 42 йилгача. Масалан, Қандимдаги кон бўйича "Лукойл" билан битим мuddати – 42 йил, сабаби бунинг 8 йили геологик қидирув ишларини ўз ичига олади.

"Мустақилликнинг 25 йиллиги" (аввалги номи "Гаджак") кони бўйича шартнома 35 йилга тузилган, шундан 8 йили геологик қидирув ишлари", деган вазири.

Энергетика вазири раҳбари келишув нусхасини кўрсатар экан, тақдим этилган эксклюзив ҳуқуқ фақатгина шартномада белгиланган лойиҳа ҳудудига тааллуқли бўлиши ҳақидаги бандни келтириб ўтган.

"Мустақилликнинг 25 йиллиги" конини ўзлаштириш ва ундан маҳсулот қазиб олиш лойиҳаси 2017 йилда бошланган. Бунда Ўзбекистон Республикаси бир томондан, инвесторлар консорциуми иккинчи томондан шартнома имзолаган.

Консорциум учта компаниядан иборат: "Gas Project Development Central Asia AG" (Швейцария), "Altmax Holding Ltd" (Кипр) ва "Узнефтегаздобича" АЖ (Ўзбекистон, давлат корхонаси).

Учрашувда маълум қилинишича, бу кон Сурхондарёнинг ноқулай рельефга эга Бойсун тоғларида жойлашган. У 1960 йилларда аниқланган бўлса-да, мураккаблиги боис узоқ вақт давомида ўзлаштиришнинг имкони бўлмади келган.

2006 йилда Малайзиянинг Petronas ва Саудия Арабистонининг Delta Oil компаниялари конини ўрганишга киришган. Лекин коннинг мураккаб геологик тузилиши, газ таркибида олтингугурт ва углеводород оксиди микдори юқорилиги сабаб 2013 йилда лойиҳадан чиққан.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, "Суриштирув" ёлгон маълумотларга таянгани ва асоссиз экани расман қайд этилди. Одамни бошқа нарса хурсанд қилади. Ахборот хуружлари билан тўлиб тошаётган даврда расмийлар ва жамоатчилик орасида доимий мулоқот муҳити жуда зарур.

АСР ОФАТИ

ТУРКИЯ ВА СУРИЯДА ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ СОНИ ОРТИБ БОРЯПТИ



100 МИНГЛАБ
БОШПАНАСИЗ
КИШИЛАР. ҮН
МИНГЛАБ ЯРАДОР.
СОНИ СОАТ САЙИН
ОРТИБ БОРАЁТГАН
ҚУРБОНЛАР.
КЎЗ ЁШЛАР,
ҚАЛБЛАРДАГИ АСЛО
ЎЧМАС ЖАРОҲАТЛАР.
БОР-БУДИДАН
АЙРИЛГАН, ОИЛАСИ
ВА ЯҚИНЛАРИДАН
ЖУДО БЎЛГАН
ЧОРАСИЗ КИШИЛАР.
СОНИЯЛАРДА
ЧАНГ-ТЎЗОНГА
БУРКАНГАН
ШАҲАРЛАР, ЕР
БИЛАН ЯКСОН
БЎЛГАН МИНГЛАБ
БИНОЛАР. 2023 ЙИЛ
6 ФЕВРАЛЬ САНАСИ
ТУРКИЯ ТАРИХИДАН
АНА ШУНДАЙ ФОЖИА
БИЛАН ЖОЙ ОЛДИ.

Маҳаллий вақт билан 04:17 да 6,5 сония давом этган 7,7 магнитудали силкинишдан одамлар эсанкираб қолди. Имкон қила олгани ўзини кўчага урди, бошқалари эса... Туркиянинг жануби-шарқий ҳудудларидаги фалокат бир неча соат ичида бутун дунё нигоҳини ўзига қаратди. Давомли ер силкинишидан уйғонган одамларнинг титроқлари босилмасдан, яна кучли zilzila қайд этилди. Бу сафар 13:24 да 7,6 магнитудали ер қимирлаши биринчи ҳодисада омонат бўлиб қолган иморатларни тутдек тўқа бошлади. Ким қаяққа қочиш, қаердан паноҳ топиши билмай турган бир пайтда, ушбу воқеадан 20 дақиқа ўтар-ўтмас, 6,6 магнитудали силкиниш рўй берди. Маҳаллий ОАВ ўз хабарларида биринчи zilzilадан кейин ер бешикдек чайқалаётганини бир неча бор таъкидлади.

Ижтимоий тармоқлар, ОАВ, ер юзидаги барча давлатлар ушбу муҳим ҳодиса ҳақида гапира бошлади. Туркиянинг бошига тушган фалокатга ҳамдардлик билдирувчилар, унга ёрдамга ошиқчилар кети узилмасди. Биринчилардан бўлиб етиб борган ўзбекистонлик қутқарувчилар гуруҳи 100 нафардан иборат бўлди. 7 февралдан қидирув ишларига жалб қилинган ФВВ муахассислари 9 февраль куни яна 71 кишилик жамоа қўшилди. Улар орасида тиббиёт ходимлари ҳам жой олди. Ҳамюртларимиз кинолоқ итлари кўмаги билан 20 га яқин жароҳатланганларни вайронлар остидан олиб чиқишга эришди. 100 дан ортиқ қурбонни жаноза учун ўз яқинларига топширди. Пешмапеш келаётган хабарларда кимдир ҳалок бўлган, яна кимлардир вайронлар остидан соғ чиқариб олинган ҳақида сўз борарди. Ушбу кун "аср фожиаси", деб ном олди.

Хабарингиз бор, вайронкор zilzila қўшни мамлакатларда, жумладан, Сурия, Ливан, Шимолий Кипр Турк Республикаси, Греция ва Ироқда ҳам сезилди. Туркиянинг 10 та вилоятига зарар берган ва кўплаб шаҳарларини бутунлай йўқ қилиб юборган zilzilалар мамлакатга чегарадош Сурияда ҳам фалокатларга сабаб бўлди.

Суриянинг Идлиб, Ҳалаб, Хама, Латакия ва Раққа вилоятларида 4 мингга яқин одам ҳалок бўлгани айтилди. Халқаро экспертлар, хусусан, БМТ мутахассислари қурбонлар сонини аниқ айиш жуда қийин экани, энг ёмони эса рақамлар икки баробар ортиши мумкинлигини билдирди. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда қидирув ишлари тўлиқ чиқоқлар ҳам олмади. Бизда ҳеч нарса йўқ. Агар жиҳозларимиз бўлганида юзлаб, балки ундан-да кўпроқ жабрланганларни қутқаришимиз мумкин эди", дея таъкидлади.

Сурияда мамлакат шимоли-ғарбидаги zilzila қурбонларига шошилиш ёрдам кўрсатиш масаласи тўлиқ этилмагани, қидирув-қутқарув ишлари ҳам етарли ташкил қилинмагани ҳақида хабарлар тарқалди.

Жумладан, Фуқаролик мудофааси бошлиғи Алаа Муборак: "Сўнгги 12-13 йил ичида биз, яъни фуқаролик мудофааси кучлари ҳеч қандай янги жиҳозлар, ҳатто чиқоқлар ҳам олмади. Бизда ҳеч нарса йўқ. Агар жиҳозларимиз бўлганида юзлаб, балки ундан-да кўпроқ жабрланганларни қутқаришимиз мумкин эди", дея таъкидлади.

Кейинчалик эса БМТнинг гуманитар ёрдам ортлган қарвони Туркия чегарасини кесиб ўтиб, Сурия шимоли-ғарбий қисмига етиб боргани айтилди.

ОФАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Мутахассисларнинг маълум қилишича, Туркия дунёдаги энг сейсмик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Мамлакат Африка ва Евросиё тектоник плиталарининг туташган жойида жойлашган бўлиб, бу тез-тез сейсмик фаолликка олиб келади. Ҳудуд бўйлаб бир неча фаол ёриқлар ўтади, бу ҳам zilzilаларнинг юқори хавфини келтириб чиқаради.

Тектоник плиталар бир текис ҳаракатлана олмагани учун улар тез-тез тикилиб қолади. Ёриқлар бўйлаб плиталар ҳаракати zilzilаларнинг янада кучлироқ бўлишига олиб келади. Шунинг учун Туркияда ер силкинишлари тез-тез учрайди. БМТ ҳисоботида кўра, 1999 йилгача мамлакатда 110 дан ортиқ кучли zilzila рўй берган ва уларда 81 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган.

ҲАР ФАЛОКАТ БИР САБОҚ

Туркия Республикаси zilzilалар тез-тез содир бўладиган ҳудудда жойлашганига қарамай, халқаро экспертлар йиллар давомидаги кузатувлар ҳамда ортирилган тажриба асосида тегишли чоралар қўриш орқали оғир оқибатларнинг олдини олиш мумкинлигини таъкидлайди.

Бу борада мамлакатда қатор чоралар қўрилгани айтилади. Хусусан, қурилиш меъёрлари ва қодалари қатъийлаштирилди. 2004 йилда барча янги қурилишлар zilzilаларга чидамлик стандартларига жавоб бериши кераклиги ҳақида қатъий қонун қабул қилинган. Кейинчалик ҳатто бардошли қурилиш сиёсий устувор вазифага айлантирилди. Бироқ экспертлар мамлакатда қурилиш қонунчилигига ҳамон тўғри ва тўлиқ риоя қилинмаётганини таъкидланмоқда. Буни Туркиянинг жануби-шарқиди, Қаҳраманмараш-Пазаржик минтақасида содир бўлган zilzila натижасидан ҳам кўриш мумкин. Бирдангача 170 кишини ҳибсга олиш бўйича ордер берган.

Мазкур қарашлар фақатгина четдан туриб берилган баҳо бўлмай, мамлакат масъуллари ҳам тезкор чоралар қўллади. Масалан, Туркия Республикаси Адлия вазири Бекир Бўздағнинг маълум қилишича, бепарволиги тўғрисида Туркиядаги бинолар қулаши мумкин бўлган барча масъул шахслар жазоланади. Охириги маълумотларга кўра, мамлакат расмийлари zilzila пайтида биноларнинг қулаши сабабли 113 кишини ҳибсга олиш бўйича ордер берган.

Хусусан, 2023 йил 10 февраль куни Хатайда бутунлай қулаб тушган турар жой мажмуасининг бош архитектори Меҳмет Ясар Сошкун қочишга уринаётган вақтда аэропортда қўлга олинган. Ҳар куни жавобгарлик учун қўлга олинаётганлар сони ҳам ортмоқда.

Туркия расмийлари ҳалокатли zilzila сабабларини ўрганиб, оқибатларини тўлиқ баҳоламади. Тахминларга кўра, zilzilаларнинг Туркия иқтисодиётига етказилган зарари тахминан 84 миллиард долларни ёки ЯИМнинг 10 фоизини ташкил қилиши мумкин. Бундай зарбадан мамлакат бир неча йил давомида маънавий ва иқтисодий

жиҳатдан тикланишига тўғри келади.

Ҳар бир фуқаро, бутун дунё Туркиядаги фожиа оқибатларини соатма-соат кузатиб борапти. Аммо мутахассислар таъкидлаганидек, масъуллар, хусусан, қурилиш тизимидаги шахслар вазифасини виждонан бажарганида катта орзулар билан сотиб олинган уйлар минглаб қардошимизнинг мазори бўлмаслиги мумкин эди.

Охириги маълумотларга кўра, рўй берган кетма-кет zilzilалар оқибатида Туркия ҳамда Сурияда 40 мингга яқин одам ҳалок бўлган. Афсуски, бу рақамлар яқуний хулоса эмас.

ЭНДИ ЗИЛЗИЛА ҲАҚИДА

Zilzila ҳақида аниқ маълумот берадиган тизим ҳали яратилмаган, шунинг учун ҳам қачон ва қаерда ҳамда қандай кучдаги zilzila рўй беришини олдиндан айтишнинг ҳозирча иложи йўқ. Фақатгина zilzila вақтида содир бўладиган ўзгаришлар аниқланган, холос. Бундан ташқари, zilzilадан дарак берувчи омиллар кўп. Масалан, форшок, яъни zilzila олдида содир бўладиган тўлқинларни аниқлаш мумкин. Бироқ табиий оқибатларни келтириб чиқаришга инсон боласи қодир эмас. Фақатгина оғир оқибатларнинг олдини олиш эҳтимоли мавжуд.

Аслида zilzila ер қаърида, бир неча минглаб метр чуқурликда рўй беради. Шу сабабли уни аниқлаш, бевосита кузатиш имконсиз. Билвосита усуллар билан ернинг сейсмик зонасидаги жараёнлар кузатилади. Мисол учун, ер сатҳининг оғишлари, ер ости сувлари ва уларнинг таркиби ўзгаришига қараб, тахминий прогнозлар қилиниши мумкин.

ЗИЛЗИЛАНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Сейсмология институти илмий котиби, физика-математика фанлари доктори Аҳмадҷон Тўйчиев zilzilанинг илмий асосларига тўхналиб ўтди:

— Ернинг ички қатламларида йиғилган табиий қўшимча куч таъсирида механик энергиянинг эластик сейсмик тўлқин энергиясига айланиши ва атропо тарқалиши натижасида содир бўладиган ер силкинишлари zilzila дейилади.

Ер силкинишларининг пайдо бўлган жойи **зилзила ўчоғи**, унинг маркази эса **гипоцентр** дейилади. Гипоцентрнинг ер юзидаги проекцияси **эпицентр** дейилади. Гипоцентр ва эпицентр ораллиғидаги масофа zilzilанинг чуқурлиги дейилади.

Ер шари бўйича йилига ўрта ҳисобда ўн мингга яқин кучли ва сезиларли zilzilалар бўлиб ўтади. Улардан 15-20 таси фожиали ва даҳшатли ҳисобланади. Кучсиз zilzilалар йилига 40-50 мингга, инсон сезмайдиган, лекин сейсмик ускуналар қайд қиладиган майддаларининг сони эса йилига 3-3,5 миллионга етиши мумкин.

Zilzilалар асосан ер шарининг учта — Тинч океан, Ўртаер денгизи, Осиё ва Ўрта Атлантика сувости тоғ

тизмалари сейсмик камарларида содир бўлади. Тинч океани сеймик марига тахминан 80

фоиз zilzilалар тўғри келади. Уларнинг эпицентрлари континент ва океан ер қобиклари туташган минтақаларда жойлашган. Ўртаер денгизи — Осиё сейсмик камарида тахминан 15 фоиз zilzilалар содир бўлади. У ғарбда Атлантика океани қирғоқларидан бошланиб, Ўртаер денгизи, Кавказ, Марказий Осиё минтақалари орқали жанубий-шарқ йўналишида давом этиб Тинч океани билан туташади. Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан Ўртаер денгизи — Осиё сейсмик камарида жойлашган.

Zilzilаларнинг ҳосил бўлиши ер қобигида содир бўлаётган икки хил жараёнлар билан тушунтирилади. Биринчиси ер қобигидаги эндоген жараёнлар. Бу жараёнда ерни ўз ўқи атропо айланishi сабабли солиштирма оғирликлари оғир жинслар доимо пастга, енгил жинслар юқорига ҳаракатланади, радиоактивлик хоссаси асосида бир жинслардан иккинчиларининг ҳосил бўлиши ёки жинсларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши натижасида катта энергия ажралади. Натжидада Ер қаърида жуда катта ҳажмдаги жинсларни ҳаракатга келтиради. Ўз навбатида бу кучлар Ернинг устки қатламларини, яъни Ер қобигини ҳаракатга келтиради. Бу ҳаракатлар натижасида тоғ жинслари сиқилади, деформацияланади ва уларда кучланиш жараёни ҳосил бўлади. Қатламларда аста-секин бурилишлар, эгилишлар пайдо бўла бошлайди ва охири уларнинг катта ҳажмда синишига олиб келади. Ана шу синиш жараёни ер силкинишини келтириб чиқаради.

Zilzilаларнинг ҳосил бўлишини тушунтирувчи иккинчи жараён Плиталар тектоникаси назариясига асосланиб, унда zilzilаларни келтириб чиқарувчи асосий куч горизонтал йўналган бўлиб, zilzila иккита ёки бир неча плитанинг бир-бирига бўлган ўзаро таъсири натижасида содир бўлади. Масалан, Марказий Осиёдаги zilzilаларга сабаб жанубдан шимолга ҳаракат қиладиган Хинд плитаси билан Евросиё плиталарининг тўқнашуви ҳисобланади.

ЗИЛЗИЛАНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ МУМКИНМИ?

Zilzilани прогноз қилишда рўй бериши мумкин бўлган zilzilанинг жойи, кучи ва вақти каби кўрсаткичлар аниқ кўрсатилиши керак. Сейсмология соҳасида ҳудудларни сейсмик хавфи бўйича районлаштиришда илмий-тадқиқотлар ўтказилади. Бунда ҳудуднинг геологик-тектоник тузилиши, бу ерда содир бўлган zilzilалар параметрлари, мавжуд фаол ер ёриқлари каби кўрсаткичлар мажмуавий таҳлил қилинади ва ушбу ҳудудда қандай кучдаги (магнитуда) zilzila содир бўлиши мумкинлиги ёки сейсмик потенциалли баҳоланади. Бу баҳолашлар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик районлаштириш харитаси тузилади. Бу харита zilzilаларни узоқ муддатли прогнози ҳам ҳисобланади.

Учинчи параметр — zilzilанинг содир бўлиш вақтини аниқлашда муайян муаммолар мавжуд. Zilzilанинг тайёрланиш жараёни ернинг чуқур қаърида, 10 километр ва ундан кўпроқ чуқурликларда кечади. Биз бу жараённи бевосита кузата олмаймиз. Zilzilаларнинг тайёрланиш жараёнлари ернинг турли физик майдонларида аномал ўзгаришларга олиб келиши орқали ўрганилади. Ҳозирги кунда дунёда, хусусан, Ўзбекистонда zilzilаларни прогноз қилиш мақсадида ернинг магнит, электр, электромагнит майдонлари, ерости сувларининг динамика характеристикалари ва кимёвий таркибининг ўзгариши тадқиқ этиб келинмоқда. Қатор ижобий натижалар олинган. 1978 йилги Олой zilzilаси, 1982 йилги Чимён zilzilаси, 1984 йилги Поп zilzilаси олдидан прогноз қилинган. Аммо zilzilанинг жойи, кучи ва вақтини 100 фоиз аниқликда прогноз қилувчи ишончли усуллар ҳали яратилмаган.

ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ ЭНГ ВАЙРОНКОР ЗИЛЗИЛАЛАР

Zilzilаларни қайд этиш бўйича инструментал кузатувлар 1850 йиллардан бошлаб ўтказила бошлаган. Бу давргача уларнинг кучи келтирилган зарарлар, қурбонлар сони, фалокат кўлами каби кўрсаткичларга қараб таққосланган. Сейсмик станциялардаги ёзувлар асосида zilzilалар кучи катта аниқлик билан баҳолана бошланган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Қ.Н.Абдуллабековнинг 2003 йилда чоп этган "Zilzilадан сакланishi йўллари" рисолида 1850-2001 йиллар давомида Ер шарида кузатилган кучли талофатли zilzilалар жадвали келтирилган.

Унга кўра, 150 йил давомида Ер юзидаги энг кучли zilzila 1960 йили 9,5 балл билан Чилида рўй берган. Унинг таъсирида 5700 киши қурбон бўлган. 1920 йилда Хитойда қайд этилган 8,6 магнитудали ер силкиниши эса 243 минг кишини ҳаётдан олиб кетган. Иккинчи яна бир шундай ҳолат 1976 йили 7,8 балл билан яна Хитойда кузатилган ва бу сафар 242800 киши ҳаётдан кўз юмган.

Тўғри, 8 баллдан юқори кўрсаткичдаги zilzilалар Хиндистон, Перу, Чили, Япония, Мексика каб давлатларда ҳам кузатилган. Умуман олганда, 50 дан ошиқ кучли zilzilалар натижасида Ер юзи аҳолисининг 2 миллион 300 мингдан ортиғи ҳалок бўлган.

Туркияда 6 февраль куни кузатилган вайронкор zilzilага асосий сабаб жанубдан шимолга ҳаракат қиладиган Хинд плитаси билан Евросиё плиталарининг тўқнашуви ҳисобланади. Туркиядаги ер қобиги ўз навбатида бир неча майдорқ плиталарга бўлинган. Натжидада бир плита иккинчисига нисбатан 3,5-4 метрга сурилган. Бу zilzilалар оқибатида рўй берадиган одатий ҳодиса ҳисобланади ва у ҳудуднинг табиий, маъмурий, географик ҳамда бошқа хариталарига таъсир қилмайди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

TAKLIF

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

СУҒУРТА — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ДЕМАК



Ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини ривожлантиришда бевосита халқаро тажриба ва стандартларнинг ўрни аҳамиятлидир. Бу, албатта, суғурта соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, ушбу соҳа ривожига бевосита халқаро тажрибага суянамиз.

Соҳани янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Президентининг муҳим фармони ва қарорлари қабул қилинган. Уларга мувофиқ суғурта соҳасини жадал ривожланишини таъминлаш, соҳада кадрларни тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш, суғурта бозорини рақамлаштиришга босқичма-босқич ўтиш каби керакли чора-тадбирлар ва йўл хариталари белгиланган.

Шунингдек, Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Президент Мурожаатномасида таъкидланганидек, "халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтираамиз. Аввало, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади. Ажратилган маблағлар хар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтишни тезлаштираамиз".

Бундан кўриниб турибдики, нафақат умумий суғурта, балки тиббий ва ҳаёт суғурталари, умуман олганда, ушбу фаолиятнинг барча йўналишлари бирдай аҳлимизни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоясига хизмат қилади.

Суғурта фаолияти тадбиркорликда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этишда, иқтисодий фаолиятда пул манбаларини шакллантиришда, инфляция ва инвестицион хатарларнинг олдини олишда, савдо, тиббиёт, туризм ва шу каби бошқа соҳада содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлар оқибатларини бартараф этишга қўлмай, жамғариш функцияси орқали пул маблағларини жамланганига ҳам хизмат қилади бу ўз ўрнида аҳолининг ижтимоий ҳаётида барқарорлик таъминлашида намоён бўлади.

Соҳани янада ривожлантириш нафақат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан, балки иқтисодиётимизни ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса



қўшади. Шунинг учун соҳа хизматларини ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан такомиллаштириш ва илмий тадқиқ этиш лозим.

Соҳадаги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина 2020-2021 йилларда суғурта ташкилотлари сони 40 тадан 42 тага кўпайган бўлиб, шу жумладан, ҳаёт суғуртаси бўйича 8 тани ташкил қилмоқда. Суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали мазкур йилларда 1 439 193 млн. сўмдан 1 545 784 млн. сўмга ортганини кўриш мумкин. Суғурта брокерлари ва актуарийлари сони 5 та бўлиб, ушбу йилларда Ўзгармаган бўлса, суғурта агентлари 8 900 тадан 9 536 тага кўпайган. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотлари сони 19 тадан 23 тага етган.

Суғурта мукофотларининг 2020-2021 йиллардаги кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, умумий суғурта тармоғидаги суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари 1 879 346 млн. сўм (жами 85 фоиз)дан 3 015 813 млн.сўм (жами 81 фоиз)га ўсганини кўриш мумкин. Шунингдек, ҳаётни суғурта қилиш тармоғидаги суғурта ташкилотлари 334 367 млн. сўм (жамидан 15 фоиз)дан 717 032 млн. сўм (жамидан 19 фоиз)га ортганини кўриш мумкин.

2020 йил якунлари бўйича умумий ҳамда ҳаётни суғурта қилиш тармоғидаги суғурта ташкилотлари томонидан жами 737 587 млн. сўм суғурта тўловлари амалга оширилган бўлиб, бу кўрсаткич 2021 йил якунларига келиб, 1 232 326 млн. сўмга етган.

Халқаро доирада суғурта хизматлар бозори 2022 йилдаги 5 946,74 миллиард АҚШ долларидан 2023 йилда 6 466,23 миллиард АҚШ долларигача ўсиши прогноз қилинапти ва йиллик ўсиш суръати (CAGR) 8,7 фоиз бўлиши кутилмоқда. Сўнгра суғурта бозори йилига ўртача 9 фоизга ўсиб, 2026 йилга келиб, 8,4 триллион АҚШ доллари бўлиши кутилмоқда.

АММО АЙРИМ МУАММОЛАР БОР
Ҳозирги глобализация шароитида суғурта компанияларининг рақобатбордошлигини ошириш ва сақлаб қолишга тўққинлик ҳам қилиши мумкин бўлган масалалар бор.

Жумладан, аҳоли даромадининг доимий ўсишига тўсиқлар, мижоз учун кураш, соҳанинг воситачилар томонига силжиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги қабили рақобатланади.

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб ривожланган мамлакатларда ўсиш аввало ҳажми ёки янги рискларни суғурталаш билан эмас, балки суғурта нархларини ошириш эвазига бўлмоқда. Бу, албатта, соҳанинг тараққий этишига таъсир қилмоқда.

Бу каби вазиятларда суғурта турлари ва суғурта тармоқларини ривожлантиришига эмас, суғурталаш хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини янада ривожлантиришдек долзарб масала ҳам олдимиздан чиқади. Кўрсаткичлар юртимизда суғурта соҳасини кундан кунга омалашаётганини ва ривожланаётганини кўрсатади. Аммо бу билан бозорнинг барча иштирокчилари қамраб олинмоқда, деб бўлмайди. Суғурта аҳолининг қанчалик кўпроқ қисмини жалб қилгани сайин шунчалик фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражаси ҳам ошиб бораверади.

Ўзбекистонда суғурта соҳасини янада такомиллаштириш, бугунги кундаги муаммоларини бартараф этиш учун айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Биринчидан, Ўзбекистондаги суғурта соҳасини халқаро стандартларга мослаштириш;

Иккинчидан, ҳаётни суғурталаш тармоғини янада ривожлантириш;

Учинчидан, миллий менталитемиздан келиб чиқиб, ислом суғуртасини ривожлантириш ва оммага тарғиб қилиш;

Тўртинчидан, аҳоли орасида тарғиботни кучайтириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш;

Бешинчидан, соҳада тадқиқот олиб бораётган илмий изланувчилар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни, узлуксиз алоқадорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълиё АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тингловчиси.



БИР ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашида 2022 йил якунига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ижроия қўмига аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, масъуллар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари раҳбарлари, сайланма органлар аъзолари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этишди. Йиғилишни вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов олиб борди.

Йиғилиш танқидий-таҳлилий тарзда ўтди. Партия дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғиб қилиш, шунингдек, партиянинг ғоялари, мақсадлари ва вазифаларини ОАВда ҳамда ижтимоий тармоқларда тарғиб қилиш бўйича бир йилда вилоят ташкилотлари жами 1234 та тадбирлар ўтказган, уларда 39019 нафар иштирокчи қатнашган.

Партия сайловолди дастурининг мақсад ва устуворликларини амалга оширишда Қашқадарё вилоят партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг 2022 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида 64 та масалани кўриб чиқиш режалаштирилган. Йил давомида 62 масала партия гуруҳларида ва доимий комиссияларда, 44 таси эса сессияларда кўрилган. Бу ишларда халқ депутатлари Қарши шаҳар, Касби, Ғузор, Муборак, Нишон ва Яққабоб, Шаҳрисабз туманлари бошқаларга ўрнатилмоқда. Лекин халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар ва Қамаш туманларида бирорта ҳам масала сессияга киритилмади.

Йиғилишда депутатлар томонидан юборилган депутатлик сўровлари, Жамоатчилик қабулхоналари ҳамда туман ва шаҳар партия ташкилотларининг молиявий барқарорлиги масалаларига оид вазифалар ижроси кўриб чиқилди.

Йиғилишда қатнашган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Ғавҳар Раманова вилоят партия ташкилотлари олдида турган устувор вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилиш якунида вилоят партия кенгашининг 2023 йилга мўлжалланган иш режаси ҳамда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни жорий йилнинг 20 декабрь санасига қадар тўлиқ бажариш вазифаси қўйилди. Шунингдек йиғилишда вилоят партия ташкилоти фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ САРИ ҚАДАМ

Ўзбекистон ХДП Қумқўрғон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати М.Намозов томонидан "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида тумандаги "Жалоир" маҳалласида яшовчи ногиронлиги бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди ва муаммолари ўрганилди.

Жумладан, ёлғиз она И.Ражабова ўғли Сардорбек Чориевни ногиронлик гуруҳини давом эттириш тўғрисидаги мурожаати илҳомий ҳал этилди. Шунингдек, ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи Н.Султонова тиббий ёрдамга муҳтожлиги тўғрисида мурожаат қилди. Унинг масаласи юзасидан депутатлик назорати ўрнатилди.

Бундан ташқари, депутат томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда кўмаклашиш бўйича чоралар белгиланди. Чорвачилик, паррадначилик билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларга кредит ажратишда амалий ёрдам сўраб тижорат банкларига депутат сўрови билан мурожаат қилишга келишилди.

"ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ"ЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси Носир Соатовнинг хабар беришича, "Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол депутати" танловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Шаҳардаги депутатлардан 7 нафари иштирок этишди. Танлов иштирокчилари учта шарт асосида ўзаро беллашиб, билимини синовдан ўтказишди.

Танлов натижаларига кўра, депутат Мусахон Имомов 42 балл билан вилоят босқичига йўллангани қўлга киритиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди. 2-ўрин Отабек Бакировга насиб қилган бўлса, Музаффар Маматқулов 3-ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, "Йилнинг энг жонкуяр депутати" номинацияси билан Бахтиёр Топшўлатов, "Энг маърифатли депутат" номинацияси бўйича Дилдора Уралова тақдирланди. Шоира Топлипова "Ташаббускор депутат", Суяров Абдумалик "Энг фаол депутат", Жўра Муродов эса "Энг кўп ҳурматга сазовор бўлган депутат" номига сазовор бўлди. Ғолиб ва совриндорлар эсдалик совгалари ва дипломлар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

СТРАТЕГИЯ БҲЙИЧА СЕМИНАР

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Ишга марҳамат» моно-марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг аҳамияти, бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида семинар ўтказди.

Семинарда депутатлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Республика тиббий ижтимоий экспертиза инспекцияси, ҳоким ёрдамчилари иштирок этди.

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва кўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган кўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари Нозим Ҳусанов. — 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Тадбирда депутатлар ва масъул вазирликлар вакиллари ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ногиронликни белгилашнинг аънаваний "тиббий" моделдан "ижтимоий" моделига ўтиш концепцияси каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ёрдам дастури билан қамраб олиш даражасини 58,8 фоиздан 98,1 фоизга етказиш, камбағаллик даражасини 17 фоиздан 5 фоизга қисқартириш, аҳолининг меҳнат бозорига кўрсатиладиган хизматлар билан қамраб олинганини 64,2 фоиздан 70 фоизга ошириш, ишсизлик нафақасини олувчи ишсизлар улушини 5,7 дан 7 фоизга ошириш каби 10 та мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Семинарда ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкония-



тини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик таъминлашнинг жорий қилиш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими жорий қилинган таъкидланди. Хусусан, 2022 йилда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га 2,3 миллион оила киритилган бўлиб, 2,2 миллион кам таъминланган оилалар болалар нафақаси ҳамда 74,8 минг кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида жами 11,4 триллион сўм маблағ берилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбга ўргатиш борасида 2022 йилда «Ишга марҳамат» мономарказлари сони 23 тага, маҳалла касб-хунарга ўқитиш масканлари сони 489 тага етказилгани таъкидланди. Мазкур таълим муассасаларида 140 минг ишсизлар касб-хунарга ўқитилиб, имконияти чекланган шахслар бандлигини таъминлаш мақсадида алоҳида Миллий дастур ишлаб чиқилган ҳолда, 15 минг ногиронлиги бўлган фуқароларнинг бандлигига кўмаклашилди.

Шунингдек, семинарда депутатлик назоратини янада кучайтириш, бандлик дастури ижросини хар ой якуни бўйича туман, шаҳар ҳокимликлари қошидаги доимий ишчи комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб, муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан Қонунчилик палатаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

Тостемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЭНЕРГИЯ НАРХИ

ЭРКИНЛАШТИРИЛАДИМИ?



Бекзод ХАМРОЕВ,
Марказий банк раиси
ўринбосари.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ва аҳоли ўртасида жорий йилда республикамизда электр энергияси ва газ нархлари эркинлаштирилиши мумкинлиги тўғрисида турли хил фикрлар бўлмоқда.

Гап-сўзлар, айрим "миш-миш"лар қанчалик ҳақиқатга тўғри келиши мумкинлиги ҳақида Марказий банк раиси ўринбосари Бекзод Хамроевга мурожаат қилдик.

— Тўғриси айтганда, Марказий банк томонидан эълон қилинган "Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024-2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари"га кўра, асосий сценарийда электр энергияси ва газ нархлари босқичма-босқич бозор нархларига яқинлаштирилиши, муқобил сценарийда эса электр энергияси ва табиий газ нархлари инфляция даражасида индексация қилиб борилиши кўзда тутилганди, — дейди Н.Хамроев. — "Либераллаштириш", яъни электр энергияси ва газ нархларини эркинлаштириш жорий йилда бўлиши тахмин қилинмоқда. Бу эртага ёки индинги кунда бўлади, дегани эмас. Ўзбекистон иқтисодиётини 2025 йилгача ривожлантиришнинг иккита сценарийсини тасдиқлаган. Асосий сценарийга кўра, тузилмавий ўзгаришлар ва тартибга солинадиган нархларнинг бозор нархларига босқичма-босқич мослаштирилиши ҳисобига фискал консолидация бошланади (давлат қарзи ва бюджет тақчиллигини камайтириш учун даромад ҳамда харажатлар оптималлаштирилади).

Асосий сценарийга кўра, тузилмавий ўзгаришлар ва тартибга солинадиган нархларни бозор нархларига босқичма-босқич мослаштириш ҳисобига фискал консолидация бошланади, иқтисодиётда давлатнинг ролини пайсатириш ва режалаштирилган ислохотларни давом эттириш ҳисобига рақобат муҳити яхшиланади, хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми юқори суръатларда ўсади.

Маълумот учун, Ўзбекистонда табиий газ ва электр энергияси тарифлари охириги марта 2019 йил август ойида ошганди. Ўтган йили жамоатчилик муҳокамасига қўйилган "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархларини ўзгартириш тўғрисида"ги ҳуқуқ қарори лойиҳасида 2022 йилнинг 1 июлидан электр ва газ бўйича табақалаштирилган тарифларга ўтилиши кўзда тутилганди. Бироқ бу қарор қабул қилинмади, ўзгаришлар орқага сурилди.

Президентимиз 2022 йил якуни бўйича Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ҳам энергетика инқирози масаласига алоҳида тўхталиб, биринчи марта тарифларни табақалаштириш ҳақида гапирганди. Яъни, муайян лимитдан кўпроқ газ ва электр ишлатадиган истеъмолчилар бозор нархидан тўлаши керак, чунки бу ресурслар давлат бюджетидан ажратилган субсидия ҳисобига арзон сотилади. Шунингдек, табақалаштирилган тарифларга ва умуман эркин бозорга ўтиш босқичма-босқич бўлишини таъкидланганди.

ДУНЁДА ҚАНДАЙ?
Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар инс-

титутти лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори Нодирбек Расуловнинг шу ҳақдаги фикрлари билан қизиқдик.

— Бугунги кунда дунёда энергия ресурсларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораётгани баробарида энергия нархларининг ҳам шунга мос ҳолда мунтазам ошириш бориши кузатилмоқда, — дейди Н.Расулов. — Бу мамлакатларни энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ҳамда унга бўлган талабни қондириш борасида тинимсиз ишлашга, ривожланаётган давлатларда ҳам энергетика тизимида ислохотларни амалга оширишга туртки бўлмоқда.

Мамлакатимизда энергетика соҳасини ривожлантириш, етарли ва сифатли электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришни самарали йўлга қўйиш масаласи ҳозирги куннинг долзарб аҳамиятга эга масалаларидан бирига айланди. Шундан келиб чиқиб, ўрганиш ўтказилди. 3 та мамлакатдаги электр энергетика соҳасидаги ислохотлар натижаси, ислохотларни амалга ошириш жараёнлари, йўналишлари, эришилган ютуқлар, юзага келган муаммолар асосида олинган умумий хулосалар таҳлилига тўхталмоқчи эдим.

Тадқиқот учун яқин тарихда электр энергетика тизимида инқирозли ҳолатдан чиқиб кетиш учун жиддий ислохотларни амалга оширган Бразилия, Кения ва Туркия мамлакатлари танлаб олинди ҳамда тажрибалари таҳлил этилди. Ўрганилган мамлакатларда энергетика тизимига субсидиялар ажратиш, тармоқни хусусийлаштириш, нархларни босқичма-босқич бозор қонунлари асосида эркинлаштириш, тарифларни назорат қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ислохотларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислохотларни амалга ошириш зарурати мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ёмонлашуви, электр энергетикаси соҳаси учун инвестициялар жалб қилишдаги тўсиқлар, эскирган инфратузилмани янгилаш ва қайта қуришда давлатнинг имкониятлари чекланганлиги, соҳадаги монополия кучли ҳаракатлар таъсирининг кучлилиги, электр энергиясини етказиб беришдаги йўқотишларнинг кўплиги, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, судларнинг самарасиз ишлатилаётганлиги ҳамда соҳада бюрократик бошқарув тизимига эга давлат ташкилотларининг фаолият юритиши билан тавсифланади.

Ислохотлар XX асрнинг 90-йилларидан бошланган. Маълумотларга кўра, 1990 йилларда танлаб олинган мамлакатларда ЯИМнинг аҳоли жон бошига қанчага тўғри келганлиги, 30 йил ичида қанчага ўзгаргани, аҳоли сони ҳамда 1990 йилларга нисбатан 2021 йилда электр энергиясига бўлган талабнинг ўзгариши келтирилган.

Маълумотларга кўра, 1990-2021 йилларда ўрганилаётган мамлакатлар жон кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўзгариши, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши электр энергияси учун талабнинг ортишига олиб келган. Электр энергияси учун талабнинг ўсиши 1990 йилга нисбатан Туркия ва Кенияда нисбатан юқори бўлган. Туркия ва Бразилия аҳоли жон бошига тўғри келадиган электр энергияси ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган. Агар Ўзбекистонга эътибор берадиган бўлсак, 1990 йилда Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ЯИМ аҳоли жон бошига 651 АҚШ долларига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 1983 АҚШ долларига тўғри келган ёки 1990 йилга нисбатан 3 баробарга ортган. Аҳоли сони 1990 йилда 20,2 млн. афроида бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 34,9 млн. нафарга ёки 1,7 баробарга ортган. Бироқ мазкур йилларда энергия ресурсларини ишлаб чиқариш даражаси талабдан орқада қолиб кетган.

Таққослаш натижаларига кўра, ислохотлар бир нечта асосий йўналишларга ажратилди. Ушбу йўналишлар электр энергетикаси соҳасини эркинлаштириш, хусусийлаштириш ва самарадорликни оширишга қаратилган ислохотлар ва чора-тадбирларни ўз ичига олади. Энди энергетика ислохотлари

натижасини танлаб олинган мамлакатлар мисолида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

ТУРКИЯДА ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРГАН?

Ислохотлар ўтказилишидан аввал электр энергетика соҳаси Туркияда тўлиқ давлатга тегишли бўлган, Туркия электр энергетикаси бошқармаси томонидан бошқарилган. Бу ташкилот 2009-2013 йилларда иккита алоҳида қисмга "ишлаб чиқарувчи" ва "тақсимловчи"га ажратилди.

Электр энергетика соҳасини ислох қилишнинг зарурати.

— 1990 йиллар охирида Туркияда давлат бюджети кўрсаткичлари ёмонлашди;

— Электр энергияси учун субсидия ажратиш давлат учун молиявий қийинчилик юзага келтирди;

— 2002-2007 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш харажатлари сезиларли ошди, бироқ тарифлар ўзгартирилмади. Натижада инфратузилмани таъмирлаш ва янгисини қуриш имкониятлари чекланди.

Кўзланган асосий мақсадлар:

— Электр энергияси учун ошиб бораётган талабни қондириш;

— Электр энергетикасидаги самарадорликни ошириш;

— Давлат бюджети кўрсаткичларини яхшилаш;

— Хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва монополияни тугатиш;

— Европа Иттифоқига аъзо бўлишнинг дастлабки талабларини бажариш;

Асосий чора-тадбирлар:

1. Институционал ислохотлар. 2. Давлат ташкилотлари электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тақсимлаш, улгуржи ва чакан савдосини йўлга қўйиш бўйича тижорий корхоналарга айлантирилди. 3. Тариф ислохотлари. 4. 2008 йил январь ойида электр энергияси учун тарифлар 20 фоизга оширилди. 5. Ҳар чоракда электр энергиясининг бозордаги тақлифга мувофиқ тарифлар ўзгариши механизми жорий қилинди. 6. 2008 йил охирига бориб тарифлар 50 фоизгача ошди.

Асосий натижалар:

1. Электр энергияси учун ошиб бораётган талабни қондириш имкони пайдо бўлди. 2. Рақобат муҳити шаклланди, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш самарадорлиги ошишига эришилди. 3. Субсидия камайтирилган ҳисобига давлат харажатлари қисқарди, бу борадаги ижтимоий ҳимоя камбағал қатламлар учун давом эттирилди.

КЕНИЯ ТАЖРИБАСИ

2002-2008 йилларда Кения иқтисодиётида энергияга бўлган талаб ўртача 7 фоизга ошган. Мамлакатнинг энергетика тизими эса бу талабни қондира олмасди. Бу ҳолат энергетика тизимида ислохотлар зарурлигини далolat берарди.

Кенияда электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотиш соҳасида хусусийлаштириш жараёнлари бошланди:

1. 2003 йилда қишлоқ аҳолисини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун "Қишлоқларни электрлаштириш дастури" жорий қилинди.

2. 2004 йилда энергетика сиёсати ислох қилинди.

3. 2005 йилда тарифлар ўзгартирилди.

4. Энергетика соҳасидаги низоларни ҳал этиш учун Ҳакамлик судининг ташкил этилиши энергетика тизимида тенг рақобатли бозорни яратишда муҳим рол ўйнади.

5. 2006-йилда Энергетикага оид қонун қабул қилинди.

6. 2008-2009 йилларда мамлакатда қурғокчилик бўлганлиги сабабли электр энергияси учун қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкасини 16 фоиздан 12 фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Уй хўжаликлари учун нархлар ўсиб боровчи тарифлар тизими қуйидагича йўлга қўйилди:

— Ойига 50 кВт/соатгача истеъмол қилувчилар учун нарх 2 Кения шиллингида (0,016 АҚШ доллари) ҳисобланди;

— Ойига 51 кВт/соатдан 1500 кВт/соатгача истеъмол қилувчилар учун нарх 8,1 Кения шиллингида

(0,066 АҚШ доллари) ҳисобланди; — Ойига 1500 кВт дан ортиқ энергия истеъмол қиладиган уй хўжаликлари учун 18,57 Кения шиллинги (0,15 АҚШ доллари) миқдоридан тариф ставкаси қўлланилди.

Асосий натижалар:

Тарифлар 0,07 доллардан 2006 йилда 0,15 долларгача, 2009 йилда 0,19 долларгача ошди. Бу энергия ишлаб чиқариш ва етказиб бериш харажатларини қоплаш имконини берди.

1. 2002 йилда электр энергия тизими учун ажратилган маблағлар ЯИМга нисбатан 0,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга бориб, бу кўрсаткич деярли нолга тушди.

2. Инвестициялар жалб қилиниб, хусусий сектор иштироки ошди.

3. Етказиб беришдаги йўқотишлар 2000 йилдаги 21 фоиздан 2009 йилда 15,5 фоизгача қисқарди.

4. 2003 йилдаги "Қишлоқларни электрлаштириш дастури" натижасида тизимга уланганлар сони 650 мингтадан 2 миллионгача етди.

Кения тажрибаси табақалаштирилган тариф ставкалари жорий қилиниши харажатларни қоплаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига электр энергиясини арзонроқ нархда етказиб бериш имкониятини кафолатлади. Ислохотларни амалга ошириш учун 10 йилдан ортиқ вақт керак бўлди. Тарифларни табақалаштириш энг яхши чора бўлди.

БРАЗИЛИЯ ТАЖРИБАСИ

1980-1989 йиллар мобайнида Бразилияда энергетика соҳасида жиддий иқтисодий қийинчиликлар вужудга келиб, мамлакатда инфляция даражаси 272 фоизга етган, иқтисодий ўсиш эса йилига 3 фоизни ташкил қилган эди. Катта ташқи қарзининг асосий қисми энергетика соҳаси учун олинган бўлиб, соҳани кучли субсидиялаш ва нархларнинг давлат томонидан ўрнатилиши сабабли энергетика тизими инқироз ёқасига келиб қолган эди. Охири энергетика тизимида жиддий ислохотлар амалга оширилиб, қуйидаги натижаларга эришилди:

— Соҳа бўйича қонунчиликдаги камчиликлар ва тушунарсиз жиҳатлар қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди. Янги ҳуқуқий ҳужжатлар билан электр энергия соҳаси мустақиллиги кафолатланди.

— Энергетика соҳасида давлат монополияси ва унинг аралашуви тугатилди.

— Соҳага бериладиган субсидиялар босқичма-босқич бекор қилинди.

— Хусусий ишлаб чиқарувчиларга тарифларни белгилашда эркинлик берилди.

— Нарх белгилашнинг шаффоф ва самарали тизими ишлаб чиқилди.

— Соҳада эркинлаштириш амалга оширилгандан кейин ҳам ҳудудий корс-субсидиялар (аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун мақсадли молиявий ёрдам) сақлаб қолинди.

— 1995 йилда кам даромадли уй хўжаликлари учун электр энергиясини паст тарифларда етказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тасдиқланди.

— 2003 йилда ҳуқуқат томонидан 10 миллион қишлоқ аҳолисини бепул электр энергияси билан молиялаштириш дастури жорий қилинди, бундаги харажатлар электр энергияси тарифлари бўйича йиғимлар ҳисобидан молиялаштирилди.

Ислохотлар натижасида:

— Электр энергияси нархлари барқарорлашди.

— Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми ва етказиб бериш сифати ошди.

— Энергетика соҳаси учун олинган катта ҳажмдаги давлат қарзлари қисқарди.

— Тизимда хусусийлаштириш ва трансформация жараёнлари самарали яқунланди.

Натижада электр энергиясидан тежамли фойдаланиш даражаси бир неча баробарга ўсди. Кам таъминланган аҳоли учун енгиллаштирувчи энергия тарифларини қўллаш ислохотларни қўллаб-қувватлашни кучайтирди. Ижтимоий ҳимоя тизимининг мақсадли йўналишини яхшилаш учун синовдан ўтган, нақд пул ўтказмалари дастури жорий этилди. Тўлов қобилияти 1996 йилдаги 40 фоиздан 2003 йилга келиб 92 фоизга кўтарилди.

Таҳлил қилинган мамлакатлар-



Нодирбек РАСУЛОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори.

нинг барчасида ислохотлар даврига қадар электр энергетикаси тизими давлат томонидан тўлиқ бошқарилганлиги ва монопол назорат ўрнатилганлиги билан тавсифланади. Ислохотлар натижасида мамлакатларда марказлашган давлат монополияси тўлиқ ёки қисман тугатилиб, нисбатан самарали хусусий сектор иштирокида ҳамда давлат ва хусусий сектор шерикчилиги асосидаги янги бозорлар барпо этилди. Хусусан, Туркияда давлат монополияси бир неча йўналишга ажратилган бўлса, Кения ва Бразилияда хусусий секторнинг улushi оширилишига эътибор қаратилган.

Хулоса ўрнида шуна айтиш керакки, Бразилияда субсидияларни ажратишда ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларга устунлик бериш, ижтимоий-иқтисодий шароити яхши қатламларнинг субсидиялардан бирдек фойдаланиши билан боғлиқ нотенгликни бартараф этишга асосий эътибор қаратилди. Кения тажрибаси тариф ставкаларининг оширилиши харажатларни қоплаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига электр энергиясини арзонроқ нархда етказиб бериш имкониятини юзага келтиришни кўрсатади. Ислохотларни амалга ошириш учун 10 йилдан ортиқ вақт керак бўлди. Қолаверса, жадал иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келганлиги сабабли аҳоли тизимдаги ислохотларни ижобий қабул қилди, Туркияда 2008 йилда тарифларнинг 50 фоизга ошиши аҳоли даромадларига жиддий таъсир кўрсатмади. Чунки аҳоли даромадлари мунтазам ошиб бормди.

Ўрганилган мамлакатлар тажрибаларига мувофиқ, Ўзбекистонда электр энергетикаси соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ислохотлар бўйича қуйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, электр энергетикаси тизимида эркинлаштириш ва хусусийлаштиришга қаратилган кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш. Бунда давлатнинг яқин иштирокини чеклаш ва хусусий сектор иштирокини ошириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Шунингдек, электр энергияси учун тарифларни эркин бозор нархларига мослаштириш, субсидиялардан босқичма-босқич воз кечиш механизмларини жорий қилиш зарур.

Иккинчидан, эскирган инфратузилмани таъмирлаш ва модернизация қилиш ҳамда янги инфратузилма объектлари қурилишига жиддий эътибор қаратиш. Мазкур йўналишда хусусий сектор томонидан киритиладиган инвестициялар иштирокини самарали ташкил қилиш чора-тадбирларини кўриш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағал оилалар учун махсус тариф дастурларини ишлаб чиқиш.

Учинчидан, электр энергетика соҳасида ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тизимининг шаффоф ишлаши ва тўлиқ рақамлаштирилишига эришиш. Шу билан бирга, хусусийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислохотларнинг зарурати, аҳамияти ҳақида кенг жамоатчилик орасида тарғибот ишларини олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш лозимдир.

"Ўзбекистон овози" мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади.

HAMKORLIK



“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ

НИЯТ ҲАМ, МАҚСАД ҲАМ КАТТА

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти янги гидроэнергетик қувватларни барпо этиш, гидроэлектр станцияларни қуриш, модернизация лойиҳаларини амалга ошириш, шу билан бирга, микро ГЭСларни қуришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳиндистон пойтахти Нью-Дехли шаҳрида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва “Maclec” technical project laboratory pvt. LTD компанияси ўртасида шартнома имзоланди. Унга мувофиқ, компания қуввати 50 МВт бўлган сув юзасида сузиб турувчи кинетик турбинали инновацион гидроагрегатларни Ўзбекистонга етказиб бериши кўтилмоқда.

Шартнома имзолаш тадбирида Мадааний алоқалар бўйича Ҳиндистон Кенгаши президенти Доктор Винай Сахасравудхе, “Maclec technical project laboratory pvt. LTD” компанияси раиси Нараян Бхардвадж, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Дилшод Ахатов, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов бошчилигидаги делегация қатнашди.

Ҳамкорликнинг эътиборли жиҳати, биринчи босқичда гидроагрегатларнинг 60 фоизи маҳаллийлаштирилади ва Ўзбекистон шароитида синовдан ўтказилади. Иккинчи босқичда ишлаб чиқариш 100 фоиз маҳаллийлаштирилади ва Ҳиндистонлик инженер-муҳандислар республикада доимий ишлаш ва маҳаллий мутахассисларимизни гидроагрегатларни ишлаб чиқаришга ўргатиш учун жалб қилинади. Жамият халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, хорижий илғор тажрибани маҳаллийлаштиришга устувор вазифалардан бири сифатида қарамоқда.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, 2022 йилнинг август ойида Ҳиндистоннинг “Maclec” компанияси раҳбарлари билан гидроэнергетика соҳасида янги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида икки томонлама учрашув ўтказилган ҳамда “Made in Uzbekistan” миллий бренди асосида қуввати 500 кВт гача бўлган микроГЭСлар учун гидроагрегатлар ишлаб чиқаришни йўлга

қўйиш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланган эди.

Натижада тизим ташкилоти ҳисобланган “Сувсаноатмаш” АЖ заводи ҳамда Ҳиндистоннинг “Maclec” компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида келишувга эришилган эди.

Жорий йилнинг 23 январь кuni Ҳиндистон пойтахти Нью-Дехли шаҳрида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси А.Сангинов бошчилигидаги делегация ҳамда “Maclec” компанияси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик доирасида ўтказилган навбатдаги учрашувда жамият томонидан Ўзбекистондаги гидроэнергетик салоҳият, хусусан, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай дарё ва каналлар ҳақидаги маълумотлар, Ҳинд компанияси томонидан эса замонавий технологик қурилмалар, гидроагрегатлар борасида махсус тақдимот тақдим этилган.

Ҳиндистонда эришилган келишувлар бугунги кунда долзарб бўлган ёқилғи энергетикадан “Яшил энергетика”, яъни қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтишга ҳам катта хизмат қилади.

Бундан ташқари, жамият ҳамкорлик ишларини узвий давом эттириб, Хитой Халқ Республикасининг JINLUN компанияси билан қуввати 15 МВтгача бўлган гидроагрегатларни ишлаб чиқарувчи янги замонавий технологиялар билан жиҳозланган заводни қуриш бўйича ўзаро келишувга эришган. 20 февралга қадар ушбу ҳамкорлик битими имзоланиши ва янги заводга тамал тоши қўйилиши режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллийлаштириш доирасидаги янги самарали лойиҳалар, илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқарилаётган янги қувват қурилмалари ва манбалари Ўзбекистон гидроэнергетик салоҳиятининг орттишига, арзон электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилишига, иш ўринлари яратилишига, иқтисодий ривож асослари мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон ovozi” мухбири.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

7 КИЛОЛИК ШОЛҒОМ



Шолғом озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилинади. Таркибида кислота, оқсил, калий, кальций, темир, фосфор, натрий ва бошқа моддалар мавжуд. Инсон саломатлигида муҳим ўрин тутадиган зироат тиббиёт ва табобатда кенг қўлланилади. Шамоллаш, кўкрак, томоқ оғригининг олдини олиш ва яраларни даволашда муҳим ўрин тутайди. Куч-қувват манбаи ва ошқозон-ичак яллиғлинишида шифо бахш этиши аниқланган.

Дунёда шолғомнинг юздан ортиқ тури мавжуд экан. Аммо Бандихон туманида етиштирилган маҳсулот кўпчиликни лол қолдирмоқда. Гигант шолғомнинг энг йириги 7 килодан оғир тош босгани ҳайратланарли.

– Қарийб ярим гектарли томорқамиз бор, – дейди “Бағрикен” маҳалласида яшовчи Бахтиёр Муҳаммадиев. – Ўттиз йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланаман. Тўғриси айтсам, шолғомнинг бу қадар йирик бўлишини кутмагандик. Баъзилари 1-2 кило тош босган бўлса, айримлари ундан ҳам оғир келди. Энг йириги эса 7 килодан

сал ошди.
– Уругини буюртма асосида олиб келганмидингиз, – савол бераман соҳибкорга.
– Йўқ, ҳар доимгидек бозордан олгандим. Утган йилнинг куз ойларида уруғ сепилди. Ўз вақтида сув бериб, агротехник ишлар бажарилди. Кимёвий ишлов берилгани йўқ. Ҳатто минерал ўғитдан ҳам фойдаланилмаган. Баракасини бергандан хурсандмиз. Бандихоннинг ҳайратланарли ва гигант шолғомини Гиннеснинг “Рекордлар китоби”га киритса бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон ovozi” мухбири.



**Ҳар кимки вафо қилса,
вафо топқисидур,
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топқисидур,
Яхши киши кўрмагай
ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топқисидур.**
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

7 ХУШҲАБАР

100 МИНГ ГЕКТАР ЎРМОНЗОР

Жорий йилда Оролбўйи минтақасининг қуриган 100 минг гектар майдонида ҳимоя ўрмонзорлари ташкил этилади. Ҳукуматнинг тегишли фармойишига кўра, бунинг учун бир қанча жамғармалар, тижорат банклари ҳамда Қорақалпоғистон бюджетининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 25 миллиард сўм йўналтирилади. Бу ҳақда Ўрмон хўжалиги агентлиги ахборот хизмати раҳбари Отабек Ашуров маълум қилди.

Таъкидланишича, яшил қопламаларни барпо этиш учун саксовул, қандим, қорабуроқ каби чўл ўсимликларининг жами 420 тонна уруғ тайёрланади.

– 100 гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан ниҳолхоналар ташкил этилади. Зарур миқдордаги техника ва механизмлар, мутахассис ва ишчи-ходимлар, шунингдек, ихтиёрий равишда аҳоли вакиллари ўрмон мелиоратив тадбирларини амалга ошириш учун жалб қилинади – деди у.

Навий вилоятида 50 минг гектар, Бухоро вилоятида 40 минг гектар ҳамда Хоразм вилоятида 11 минг гектар майдонда яшил қопламалар ташкил қилинади.

ФАРҒОНАДА ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИМИ?



Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров Туркиянинг «Alarko holding Altek» компанияси бош директори Ҳакан Айтекинни қабул қилди. Бу ҳақда ҳокимлик ахборот хизмати хабар берди.

Хабарда қайд этилишича, учрашувда Фарғонада қуёш фотоэлектр станцияси қуриш ва ушбу истиқболли лойиҳанинг молиявий жиҳатлари муҳокама қилинган. Туркиялик ҳамкорлар томонидан билдирилган мазкур тақлиф ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ҳамда вилоятнинг Бешариқ, Ўзбекистон ва Фарғона туманларида лойиҳа учун мос жойлар билан таништириш учун масъуллар бириктирилган. Учрашувда биринчи навбатда лойиҳа учун ҳудудларда жой аниқлаш, шундан сўнг яна учрашиб, бу борада биргаликда олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинган.

БРИТАНИЯГА ЎЗБЕКИСТОНДАН ИШЧИ КУЧИ ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Буюк Британиянинг Pro-Force рекрутинг компанияси ўртасида ҳамкорлик натижасида 24 кишидан иборат ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари Британиядаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган фермаларда мавсумий ишлаш учун етиб келди, деб хабар берди “Дунё” ахборот агентлиги.

Мазкур лойиҳа доирасида 2023 йил мавсумида Ўзбекистондан 1,5 минг нафар ишчи кучини жалб этиш кўзда тутилган. 2022 йилда 2 минг нафарга яқин ўзбекистонлик ушбу мамлакатда мавсумий ишларга жалб этилган.

ДОИМИЙ ЯШАШГА РУХСАТНОМА

Ўзбекистонда доимий яшашга рухсатнома олиш учун чет эл фуқаролари ва фуқароли-

ги бўлмаган шахсларнинг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланади.

Тегишли қарор лойиҳасига кўра, у чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга янада қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига Ўзбекистонда доимий яшашга рухсатнома олиш учун беvosита ўзи келиб мурожаат қилиш билан бир қаторда, давлат хизмати кўрсатишнинг электрон шакли, яъни онлайн тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали ариза юбориш имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА

Йўловчиларни қутиб олувчилар учун «Тошкент» халқаро аэропортининг учиб келиш зали ёнидаги P2 ва P3 автотураргоҳларида иккита



янги ҳудуд қуришга қарор қилинган. Бу ҳақда Uzbekistan Airports хабар берди.

Қайд этилишича, йўловчилар оқимининг жадал суръатларда ўсиб бораётгани муносабати билан яқинлари ва дўстлари билан учрашиш учун келганларга учиб келиш терминалида ажратилган ҳудуд етарли бўлмай қолган.

Маълум қилинишича, таҳминан март ойининг охирига қадар умумий майдони қарийб 1400 кв. метр бўлган иккита шундай ҳудуд қурилади. Яқин кунларда аэропорт олди майдонида қурилиш-монтаж ишларини бошлаш режалаштирилган.

БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА

2023 йилда Ўзбекистонда ёшларни профессионал таълим муассасаларида касбга ўқитиш кўламини кенгайтириб, таълим жозибдорлигини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу ҳақда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган давлат дастури лойиҳасида белгилаб қўйилган.

Жумладан, профессионал таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш тизими такомиллаштирилади. Бунда коллеж ва техникумларга ўқувчиларни қабул қилиш бир йилда икки марта ташкил этилиши, техникумларда мутахассислик йўналишидан келиб чиқиб давлат гранти ажратиши жорий этиш орқали умумий давлат гранти улуши 50 фоизга етказилиши, хусусий секторнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш тизимли йўлга қўйилиши кўтилмоқда.

Чора-тадбирлар 2023 йил августгача амалга оширилиши режалаштирилган.

МЕТРО: БАРЧА БЕКАТЛАРДА BEELINE АЛОҶА

Digital оператор пойтахт метросида уяли алоқани синовдан ўтказди. Энди Beeline Uzbekistan абонентлари метрода ҳам барча одатий хизматлардан фойдаланиши мумкин. Beeline метро алоқаси лойиҳаси Рақамли технологиялар вазирлиги кўмаги туфайли амалга ошмоқда.

– Ушбу лойиҳанинг асосий ҳаракатлантурувчи мақсади абонентларни исталган жойда алоқа билан таъминлаш истаги бўлди, – дейди Beeline Uzbekistan бош директори Анджей Малиновски. – Beeline хизматлари шаҳарлар ва олис тоғли ҳудудларда ҳамда қадимий мейморий ёдгорликлар яқинида мавжуд. Энди эса навбатдаги мантиқий қадам қўйилди. Биз энди ер остига ўтдик. Юз минглаб мижозларимиз Тошкент метрополитенининг хизматларидан фойдаланадилар, шунинг учун биз 31 та метро бекатининг ҳар бирида саёҳат давомида улар алоқада қолишлари учун барча имкониятларимизни ишга солидик. Метро бу сайёҳларга таниш транспорт. Энди пойтахт меҳмонлари смартфонлардан метро бекатларида, хусусан, навигация, интернетдан керакли манзилларни қидиришда фойдаланишлари мумкин бўлади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 236. 2250 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:35

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.